



ЎЗАРО КЕНГАШИБ, АНИҚ АМАЛИЙ ҚАДАМЛАР ТАШЛАСАК, КЎЗЛАГАН ЮКСАК МАРРАЛАРИМИЗГА АЛБАТТА ЭРИШАМИЗ

Кўксарой қароргоҳида 3 май куни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хорижий инвесторлар кенгашининг иккинчи ялпи мажлиси бўлиб ўтди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ХОРИЖИЙ ИНВЕТОРЛАР КЕНГАШИНИНГ ИККИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИДАГИ НУТҚИ



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI
HUZURIDAGI XORIJIY INVESTORLAR KENGASHI
Toshkent, 2024-yil 3-may



FOREIGN INVESTORS COUNCIL
UNDER THE PRESIDENT OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN
Tashkent, May 3, 2024

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев раислик қилган тадбирда Европа тикланиш ва тараққиёт банки президенти Одиль Рено-Бассо, “Masdar”, “Indorama”, “ACWA Power”, “Air Products”, “Çalik”,

“Suez”, “Orascom”, “Cengiz”, “Aksa”, “HP”, “Linde”, “Procter&Gamble”, “Visa”, “CAMCE”, “John Deere”, “Huawei”, “Airbus”, “Orano”, “Commerzbank”, “Total”, “PASHA Holding” каби етакчи

компания ва банлар раҳбарлари, халқаро ташкилотлар ва молиявий институтлар — Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти, Жаҳон банки, Халқаро молия корпорацияси, Осиё тараққиёт банки,

Ислмо тараққиёт банки ва Халқаро ислмо савдо-молия корпорацияси вакиллари иштирок этди.

► Давоми 2-бетда

Хурматли кенгаш иштирокчилари! Хурматли Рено-Бассо хоним! Хорижий инвесторлар кенгашининг иккинчи ялпи мажлисида иштирок этаётган сиз, азизларни чин қалбимдан қутлайман.

Бугунги йиғилишимизда жаҳоннинг етакчи компаниялари ва молия институтлари раҳбарлари бўлган яқин ҳамкорларимиз ва янги шерикларимизни кўриб турганимдан гоёт мамнунман.

Кенгаш ўтган даврда ўзининг самарали фаолиятини яққол намоён этди. Сизларнинг сидқидилдан кўрсатаётган қўмагиниз ва алоҳида эътиборингиз натижасида ислохотларимизга катта ёрдам берадиган ишлар амалга оширилмоқда.

Илгари сураётган гоё ва ташаббусларингиз ҳаётимизнинг барча жабҳаларида фаол татбиқ этилмоқда. Сизлар кеча қатнашган халқаро форум эса ниҳоятда сермазмун ўтди, унда қатор муҳим таклифлар илгари сурилди, жуда муҳим бўлган кўплаб келишувларга эришилди.

Фурсатдан фойдаланиб, сизларга — мамлакатимизнинг яқин дўстларига Янги Ўзбекистон тараққиётига қўшаётган

муносиб ҳиссангиз учун чуқур миннатдорлик изҳор этаман.

Хурматли хонимлар ва жаноблар!

Барчангизга яхши маълум, бугунги кунда жаҳон иқтисодиётида беқарорлик тобора кучайиб, энергетика, озиқ-овқат соҳалари ва экологик тизимда инқирозлар ўткир тус олмоқда. Бундай мураккаб шароитда сизлар билан бамаслаҳат, ўзаро кенгашиб, аниқ амалий қадамлар ташласак, кўзлаган юксак марраларимизга албатта эришамиз.

Мен кунги кеча ўз нутқимда Янги Ўзбекистоннинг инвестиция сиёсати бўйича эришилган натижалар ва келгусидаги устувор йўналишларга батафсил тўхтадим. Бугун эса кўпроқ сизларни тинглаш ниятидаман.

Айниқса, хурматли Рено-Бассо хоним, сизнинг қимматли фикр-мулоҳазаларингиз мен учун гоёт муҳимдир. Анжуманларимизда бевосита иштирокингиз ва Кенгаш ишини фаол қўллаб-қувватлаб келаётганингиз бизни албатта руҳлантиради ҳамда ушбу платформа доирасида очик, конструктив ва самарали мулоқот олиб боришга хизмат қилади.

► Давоми 2-бетда

АҚШ, ХИТОЙ, ЕВРОПА ВА МИСР ЕТАКЧИ КОМПАНИЯЛАРИНИНГ МАМЛАКАТИМИЗДАГИ БИЗНЕСИНИ КЕНГАЙТИРИШ РЕЖАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 3 май куни Тошкент халқаро инвестиция форуми ва Хорижий инвесторлар кенгаши мажлиси доирасида Америка — Ўзбекистон савдо палатаси раиси Кэролин Лэмм бошчилигидаги делегация, Хитойнинг етакчи компаниялари раҳбарлари, Европанинг бир қатор етакчи компаниялари раҳбарлари ва Мисрнинг “Orascom Investment Holding” компанияси раиси Нажиб Савирисни қабул қилди.



Кэролин Лэмм билан мулоқотда Ўзбекистон — АҚШ стратегик шериклик муносабатларида юқори даражага эришилгани ҳамда палата мамлакатларимиз савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорлигини ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшаётгани таъкидланди.

Учрашувда “Air Products”, “CNH Industrial” ва “Silverleaf” компаниялари раҳбарлари ҳам иштирок этди.

Ўзаро савдо ва инвестициялар ҳажми барқарор ошмоқда, энергетика, қишлоқ хўжалиги, машинасозлик, озиқ-овқат

саноати ва бошқа тармоқларда лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Кэролин Лэмм АҚШ ишбилармон доиралари номидан давлатимиз раҳбарига икки мамлакат иқтисодий ҳамкорлигига шахсан эътибор қаратаётгани ва уни ҳар томонлама



қўллаб-қувватлаётгани учун самимий миннатдорлик билдирди.

Америка тадбиркорларининг Ўзбекистондаги фаолиятини кенгайтириш, молиявий инструмент ва механизмларни ривожлантириш борасидаги илгор тажрибани жорий этиш ҳамда

турли тармоқларда лойиҳаларни амалга ошириш бўйича аниқ режалари муҳокама қилинди.

Жорий йилда Тошкент шаҳрида АҚШнинг пешқадам компания ва банклари иштирокида бизнес форумини ўтказиш юзасидан келишувга эришилди.

Хитойнинг етакчи “CAMCE” корпорацияси раиси Ван Бо билан Тошкент шаҳрида Олимпиа шаҳарчаси қурилиши ҳамда энергетика, саноат ва инфратузилма соҳаларидаги лойиҳалар портфелини кенгайтириш масалари муҳокама қилинди.

► Давоми 2-бетда

ИЖТИМОЙ ХИЗМАТЛАР КЎЛАМИНИ ОШИРИШ БЎЙИЧА ТАКЛИФЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 3 май куни ижтимоий хизматлар тизимини янада такомиллаштиришга оид таклифлар тақдимоти билан танишди.

Янгиланган Конституциямизда Ўзбекистон ижтимоий давлат деб белгиланиб, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, ҳар бир инсон учун тенг шароитлар яратиш кафолатланган. Шу мақсадда ногиронлиги бўлган шахслар меҳнатини рағбатлантириш, таъйиқ ва зўравонликка учраганларга ижтимоий хизматлар

кўрсатиш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бугунги кунда фақат ягона таъсисчиси ногиронлик бирлашмаси бўлган корхоналар маҳсулотлари давлат бунюртмаси бўйича тўғридан-тўғри шартномалар асосида харид қилинади.

Шу билан бирга, юртимизда ишчиларининг 50 фоизи ногиронлиги бўлган

шахслардан иборат 669 та корхона ҳамда 8 минг 300 нафар яқка тартибдаги тадбиркор бор. 1-2 май кунлари пойтахтимизда ўтказилган “Инсон учун” номи кўргазмада уларнинг маҳсулотлари намоиш этилиб, 360 миллиард сўмлик шартномалар имзоланди.

► Давоми 2-бетда

САРМОЯДОРЛАР НЕГА ЎЗБЕКИСТОННИ АФЗАЛ БИЛМОҚДА?

ЁХУД ПОЙТАХТИМИЗ МЕЗБОНЛИК
ҚИЛГАН ЯНА БИР НУФУЗЛИ ХАЛҚАРО
АНЖУМАН АҲАМИЯТИ ХУСУСИДА

3

TASHKENT
INTERNATIONAL
INVESTMENT
FORUM

ЎЗАРО КЕНГАШИБ, АНИҚ АМАЛИЙ ҚАДАМЛАР ТАШЛАСАК, КЎЗЛАГАН ЮКСАК МАРРАЛАРИМИЗГА АЛБАТТА ЭРИШАМИЗ

Бошланиши 1-бетда

Кенгашнинг асосий вазифалари муваффақиятли тажриба ва халқаро амалиётдан келиб чиқиб, мамлакатимизни инвестициявий, савдо-технологик ва инновациявий ривожлантиришнинг энг муҳим йўналишлари бўйича маслаҳат бериш ҳамда Ўзбекистон ҳукумати ва хорижий инвесторлар ўртасида очик мулоқотни таъминлашдан иборат. 2022 йилда бўлиб ўтган биринчи сессияда ушбу механизмнинг самарали фаолият юритиши учун пойдевор яратилган эди.

Бу гапни мажлисни очар экан, давлатимиз раҳбари кунга кеча ўтган учинчи Тошкент инвестиция форумининг самарали натижаларини қайд этди ҳамда кенгаш аъзоларига Янги Ўзбекистон тараққиётини қўллаб-қувватлашга қўшаётган ҳиссаси учун миннатдорлик билдирди.

Бугунги кунда жаҳон иқтисодиётида беқарорлик тобора кучайиб, энергетика, озиқ-овқат соҳалари ва экологик тизимда инқирозлар ўткир тус олаётгани таъкидланди.

— Бундай мураккаб шароитда сизлар билан бамаънафат, ўзаро кенгашиб, аниқ амалий қадамлар ташласак, кўзлаган юксак марраларимизга албатта эришамиз, — деди Президент.

Мамлакатимизда қўлай инвестиция ва бизнес муҳитини такомиллаштиришга

қаратилган инвестициялар ва махсус эркин зоналар тўғрисидаги қонун лойиҳаларини ишлаб чиқишга ҳисса қўшган ишчи гуруҳ фаолияти алоҳида мамнуният билан қайд этилди.

Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти жамоаси томонидан бошланган инвестиция сиёсати таҳлили жуда муҳимлиги, ушбу лойиҳа мамлакатимиздаги инвестиция муҳитини янада яхшилаш борасида асосий йўналишларни белгилаб олишга ва самарали механизмларни яратишга хизмат қилиши таъкидланди.

Ҳукумат ҳамда инвесторлар ўртасида очик ва самарали мулоқотнинг йўлга қўйилгани барқарор иқтисодий тараққиётнинг асосий қалити эканини қайд этиб, давлатимиз раҳбари муайян йўналишлар бўйича ишчи гуруҳларни ташкил этишни таклиф қилди ҳамда кенгашнинг келгуси фаолияти устувор йўналишларини кўрсатиб ўтди.

Биринчидан, капитал бозорини ривожлантириш. Бу йўналишда хорижий инвесторларнинг талабларига тўла жавоб берадиган халқаро молия марказини ривожлантириш учун ички ва ташқи капитални кенг жалб этишга эътибор қаратиш таклиф қилинди.

Иккинчидан, масъулиятли бизнес юритиш. Бу борада иқтисодий барқарорлиги, шаффофлиги ва очиқлигини таъминлашга қаратилган Иқтисодий

ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг тегишли тамойилларини кенг жорий этиш долзарб вазифадир.

Учинчидан, муқобил инвестицияларни рағбатлантириш. Бунда стартап, инновацион лойиҳалар, биргаликдаги сармояларни кўпайтириш учун қўлай шарт-шароитлар яратиш мақсадида “Венчур инвестициялар тўғрисида”ги янги қонун ишлаб чиқилади.

Тўртинчидан, инвесторлар билан ишлаш тизимини рақамлаштириш.

— Хорижий инвесторлар билан давлат органлари ўртасидаги барча хизматларни амалга ошириш учун мукамал электрон платформани ишлаб чиқиш ва амалиётга кенг жорий этиш вақти келди, деб ўйлайман. Бу инвесторларни қийнаётган муаммоларни ўз вақтида ва тизимли ҳал этишга имкон беради, — деди Президент.

Кенгаш аъзоларининг қўллаб-қувватлаши орқали Ўзбекистон жадал ўсиш суръатларини намойиш этишда давом этиши, халқимиз турмуш даражасини ошириши ва юртимиз фаровон келажagini таъминлашга ишонч билдирди.

Сўзга чиққанлар Янги Ўзбекистондаги кенг кўламли ислохотлар дастурини юқори баҳоладилар. Давлатимиз раҳбарига инвестиция фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаётгани ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни давом эттиришга қатъий интилиши учун миннатдорлик билдирди.

Мажлис якунида Президентимиз иштирокчилар томонидан билдирилган барча ташаббус ва тавсиялар тўлиқ инновацион олинишини таъкидлади. Ҳукуматга барча таклифларни батафсил кўриб чиқиш ва уларнинг амалга оширилишини назоратга олиш топширилди.

Киритилган ҳар бир таклиф, айtilган ҳар бир лойиҳа бўйича алоҳида “йўл харитаси”ни қабул қилишга кўрсатма берилди.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИОРЛАР КЕНГАШИНИНГ ИККИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИДАГИ НУТҚИ

Бошланиши 1-бетда

Шу ўринда Инвестициялар ва Махсус эркин зоналар тўғрисидаги қонун лойиҳаларини тайёрлашга ҳисса қўшган ишчи гуруҳ фаолиятини алоҳида мамнуният билан таъкидлаб ўтмоқчиман.

Экспертлар томонидан ишлаб чиқилган ушбу муҳим ҳужжатлар мамлакатимизда қўлай инвестиция ва бизнес муҳитини такомиллаштиришда улкан қадам бўлишига аминман.

Бундан ташқари, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти жамоаси томонидан бошланган инвестиция сиёсати таҳлили биз учун жуда муҳимдир. Ушбу лойиҳа мамлакатимиздаги инвестиция муҳитини янада яхшилаш борасида асосий йўналишларни белгилаб олишга ва самарали механизмларни яратишга хизмат қилади.

Биз бу ташкилотнинг мамлакатимизни доимий қўллаб-қувватлаётгани ва амалга ошириб келаятган чуқур таҳлилларини юксак баҳолаймиз ҳамда бундан буён ҳам у билан яқин ҳамкорликни кенгайтиришдан манфаатдормиз.

Ҳукумат ҳамда инвесторлар ўртасида очик ва самарали мулоқотнинг йўлга қўйилгани барқарор иқтисодий тараққиётнинг асосий қалитидир.

Албатта, ҳали олдимизда биргаликда амалга оширишимиз зарур бўлган улкан вазифа ва мақсадлар турғибди. Шу сабабли бугунги замон билан ҳамнафас қадам ташлаб, ўз олдимизга аниқ режаларни қўйишга ва сазой-ҳаракатларимизни янада уйғунлаштиришга чақираман.

Кенгашимиз доирасида қуйидаги йўналишларда ишчи гуруҳларни ташкил этиш ва уларни тўлиқ амалга оширишда сизларни фаол иштирок этишга таклиф этаман.

Биринчидан, капитал бозорини ривожлантириш. Бу йўналишда хорижий инвесторларнинг талабларига тўла жавоб берадиган халқаро молия марказини ривожлантириш учун ички ва ташқи капитални кенг жалб этишга асосий эътиборни қаратиш лозим.

Иккинчидан, масъулиятли бизнес юритиш. Бу борада иқтисодий барқарорлиги, шаффофлиги ва очиқлигини таъминлашга қаратилган Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг тегишли тамойилларини кенг жорий этиш долзарб вазифадир.

Учинчидан, муқобил инвестицияларни рағбатлантириш. Бунда стартап, инновацион лойиҳалар, биргаликдаги сармояларни кўпайтириш учун қўлай шарт-шароитлар яратиш мақсадида “Венчур инвестициялар тўғрисида”ги янги қонун ишлаб чиқиш ва қабул қилиш катта аҳамиятга эга.

Тўртинчидан, инвесторлар билан ишлаш тизимини рақамлаштириш. Хорижий инвесторлар билан давлат органлари ўртасидаги барча хизматларни амалга ошириш учун мукамал электрон платформани ишлаб чиқиш ва амалиётга кенг жорий этиш вақти келди, деб ўйлайман. Бу инвесторларни қийнаётган муаммоларни ўз вақтида ва тизимли ҳал этишга имкон беради.

Сизларнинг бой билим ва тажрибангиз, замонавий ёндашувларингиз биз учун ниҳоятда муҳимлигини яна бир бор таъкидламоқчиман. Ишонаманки, Ўзбекистон сизларнинг қизғин қўллаб-қувватлашингиз орқали жадал ўсиш суръатларини намойиш этишда давом этади.

Мен барчангизни бугунги муҳокамалар ва янги ташаббусларни ишлаб чиқишда фаол иштирок этишга таклиф этаман. Сизлар билан ҳамжиҳат бўлиб, елкама-елка

туриб ҳаракат қилсак, халқимиз турмуш даражасини оширишга ва Ўзбекистоннинг фаровон келажagini таъминлашга қодирмиз.

Ҳурматли учрашув иштирокчилари! Афсуски, тадбир регламенти ва протокол сизлар илгари сурган барча таклифлар бўйича алоҳида, батафсил тўхталишимизга имкон бермайд.

Ўзбекистон билан узоқ муддатли ҳамкорликни ва конструктив мулоқотни кенгайтириш борасидаги қатъий интилиш ва ниятларингизни юксак қадрлайман.

Такрор айтман: мамлакатимизда бизнесингизни муваффақиятли юритиш, ўзингизни эркин ва ишончли ҳис этишингиз учун сизларга барча шарт-шароитларни яратиб берамиз.

Ишонтириб айтмоқчиманки, айтилган барча ташаббус ва тавсияларингизни тўлиқ инновацион оламиз.

Фурсатдан фойдаланиб, ҳурматли Рено-Бассо ҳаммагиз ислоҳот ва ўзгаришларимизни доимий қўллаб-қувватлаб келаятгани, қўшма дастурларини самарали амалга ошираётгани учун яна бир бор ташаккур изҳор этмоқчиман.

Бугундан бошлаб, Кенгаш фаолиятида бутунлай янги тизим жорий этилди.

Ушбу залда ўтирган ҳукуматимиз аъзолари, вазирларимиз, Президент Администрациясининг масъул ходимлари сизлар билан ҳар ой учрашад ва мулоқотларимизни изчил давом эттиради.

Киритилган ҳар бир таклиф, айтилган ҳар бир лойиҳа бўйича алоҳида “йўл харитаси” қабул қилинади. Уларни шахсан ўзини қатъий назоратга олам.

Сўзимнинг якунида сизларга сихат-саломатлик, профессионал фаолиятингиз ва шахсий ҳаётингизда улкан муваффақиятлар ёр бўлишини тилаб қўлам.

Эътиборингиз учун раҳмат!

АҚШ, ХИТОЙ, ЕВРОПА ВА МИСР ЕТАКЧИ КОМПАНИЯЛАРИНИНГ МАМЛАКАТИМИЗДАГИ БИЗНЕСНИ КЕНГАЙТИРИШ РЕЖАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Бошланиши 1-бетда

Мамлакатимизда фаолият юритишда катта тажриба тўплаган компания йирик лойиҳаларни молиялаштириш, куриш ва эксплуатация қилишнинг бутун занжирини қамраб оладиган ечимларни тақдим этишга ихтисослашган.

“Goldwind” президенти Цао Чжиган билан компаниянинг Ўзбекистонда “яшил” энергетикани ривожлантиришдаги иштироки истикболлари кўриб чиқилди. Компания шомол энергетикаси технологияларини ишлаб чиқишга ихтисослашган бўлиб, жаҳондаги етакчи шомол турбиналари ишлаб чиқарувчиси ҳисобланади. Шомол электр станциялари қисмларини ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва жорий лойиҳаларни жалдлаштиришга келишиб олинди.

“China Southern Power Grid” билан Бухоро вилоятида шомол электр станциялари, бутун мамлакат бўйлаб гидроаккумуляция станциялари ва юқори кучданлиги линиялар куриш лойиҳалари муҳокама қилинди.

Ўзбекистонда электр ҳисоблагичлар ишлаб чиқариш бўйича “Holley Group”

компанияси муваффақиятли ишлаётгани қайд этилди. Тошкент вилоятида технопарк куриш ва унга Хитойнинг йирик компанияларини жалб қилиш юзасидан келишувга эришилди.

Европанинг бир қатор етакчи компаниялари раҳбарлари билан учрашувда “Suez” компанияси раиси ва бош директори Сабрина Суссан, “Arsenale Group” компанияси бош директори Паоло Барлетта, “Airbus” корпорациясининг Европа бўйича президенти Йохан Пелисье ҳамда “Linde” компаниясининг Европа ва Яқин Шарқ бўйича президенти Оливер Пфани қатнашди.

Давлатимиз раҳбари ушбу учрашув Европа бизнесининг Ўзбекистондаги фаолиятини кенгайтиришга қизиқиши тобора ортиб бораётганидан далolat эканини катта мамнуният билан қайд этди.

Инвестициявий ва инновациявий шериклик, сув таъминоти, фуқаролик авиацияси, курилиш материалларини ишлаб чиқиш, туризм ва бошқа соҳаларда аниқ лойиҳаларни амалга ошириш истикболларига алоҳида эътибор қаратилди.

Европа компаниялари раҳбарлари Ўзбекистон Президентига самимий

қабул ҳамда инвесторларнинг самарали фаолиятига яратилаётган қўлай шароитлар учун миннатдорлик изҳор этди. Устувор тармоқлардаги муҳим лойиҳа ва дастурларни амалга оширишда бундан буён ҳам иштирок этишга тайёр эканини билдирди.

Мисрнинг “Orascom Investment Holding” компанияси раиси Нажиб Савирис билан учрашувда ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтириш ҳамда аввал эришилган келишувларга мувофиқ қўшма лойиҳаларни илгари суриш масалалари кўриб чиқилди.

Ўзбекистон иқтисодиётининг турли тармоқларида, шу жумладан, тоғ-кон саноати, озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, туризм, курилиш, инфратузилмани ривожлантириш ва бошқа соҳалардаги лойиҳаларни амалга оширишга тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилишга алоҳида эътибор қаратилди.

Нажиб Савирис юртимиз иқтисодиётига Миср инвестицияларини кўпайтириш учун барча сазой-ҳаракатларини ишга солишга тайёрлигини билдирди.

ЎЗА

ИЖТИМОЙ ХИЗМАТЛАР КЎЛАМИНИ ОШИРИШ БЎЙИЧА ТАКЛИФЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Бошланиши 1-бетда

Бу борада аҳолига кенг имконият яратиш мақсадида ходимлари сонининг камида 50 фоизи ногиронлиги бор шахслардан иборат бўлган барча ташкилотлар ҳамда яқин тартибдаги тадбиркорларнинг мулоқотини таъминлаш мақсадида асосий бўйича тўғридан-тўғри шартнома асосида харид қилишга рухсат бериш таклиф этилмоқда. Бунинг натижасида 3 мингта яқин тадбиркорлар томонидан қўшимча 20 мингта яқин ногиронлиги бўлган шахсларни иш билан таъминлаш имкони яратилди.

Ҳақон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълум қилишича, жамиятда ҳар уч аёлдан бири зўравонлиқнинг муайян шаклига учрамоқда. Шунинг учун ривожланган давлатларда бундай шахсларга тезкор психологик, тиббий ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш йўлга қўйилган.

Юртимизда тазйик ва зўравонликка учраган аёлларга маҳалла даражасида кўрсатиладиган хизматлар йўқ. Туман даражасидаги амалий ёрдам сифати ҳам юқори эмас.

Шу боис, зўравонлик ҳолатларида ижтимоий хизматлар кўрсатишнинг 3 босқичли янги тизимини жорий этиш таклиф қилинмоқда. Унга кўра, маҳалла даражасида ижтимоий ходим, профилактика инспектори ва хотин-қизлар фаоли томонидан тазйик ҳолати ўрганилиб, доимий кузатиб борилади. Туман миқёсида “Инсон” марказларида ҳимоя ордери талаб қилмасдан психологик, ҳуқуқий ва бошқа турдаги ижтимоий хизматлар кўрсатилади. Шифохоналарнинг шовилинч бўлимлирида бирламчи кўмак хоналари ташкил этилади.

Вилоят даражасида реабилитация марказларида ариза талаб этмаган ҳолда ижтимоий хизматлар кўрсатиш шартномасига мувофиқ 6 ойча

бошпана ва чуқур реабилитация қилиш учун психологик ва ҳуқуқий хизматлар кўрсатилади.

Бундан ташқари, таълим ва меҳнат муносабатларида зўравонлиқнинг олдини олиш чоралари ҳам кўрилади. Бунда ҳимоя ордерини бериш билан бир вақтда зўравонли тузатиш дастури ишлаб чиқилади ва “Инсон” маркази билан келишган ҳолда амалга оширилади. Ички ишлар органлари томонидан зўравонларнинг реестрини юритиш тартиби жорий этилади.

Зўравонликка учраган шахсларга ижтимоий хизматлар стандарти ишлаб чиқилади. Бу соҳада нодавлат нотижорат ташкилотлари ривожлантирилади.

Давлатимиз раҳбари бу таклифларни маъқуллаб, уларни манзилли йўлга қўйиш, ҳар бир аёл учун муносиб турмуш ва меҳнат шароитлари яратиш бўйича қўшимча кўрсатмалар берди.

ЎЗА

Муносабат ЎЗБЕКИСТОН ЎЗГАРДИ, БОШҚАЛАРНИ ҲАМ ЎЗГАРИШГА ДАЪВАТ ҚИЛЯПТИ



Алишер ҚОДИРОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари

Шу йил 2-3 май кунлари пойтахтимизда нуфузли тадбир — III Тошкент халқаро инвестиция форуми бўлиб ўтди. Анжуманда юзга яқин давлатдан 2500 дан ортиқ меҳмон, жумладан, ҳукумат раҳбарлари, БМТ, ЕТҒБ, ОПЕК, ШХТ каби нуфузли ташкилотлардан вакиллар иштирок этгани ушбу форумнинг аҳамиятидан далolat беради, албатта. Форум икки ва кўп томонлама ҳамкорликни кенгайтириш, энг долзарб муаммоларни муҳокама қилиш, илғор ғоя ва ёндашувларни ишлаб чиқиш учун самарали мулоқот майдонига айлангани эса унинг аҳамиятини янада оширмоқда.

жойлашуви туфайли денгизга тўғридан тўғри чиқа олмайди. Битта мамлакат ҳудуди орқали денгиз йўлига чиқиш имкониятига эга давлатлар сони 40 дан зиёд бўлса, иккита мамлакат ҳудуди орқали чиқадиган давлатлар бор-йўғи иккита ва улардан бири Ўзбекистон. Бу ҳам табиий равишда Марказий Осиё интеграциясига, унинг марказида жойлашган Ўзбекистон тараққиётига халқит бермоқда.

Лекин бугунги мураккабликларга қарамай, юртимиз мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш мақсадида қўшни Афғонистонда тинчликни таъминлашга муносив ҳисса қўиш орқали стратегик лойиҳалар,

қўллаб-қувватлов, ҳамкорлар, дастак излаётган бир даврда Ўзбекистон Тошкент форуми орқали ўзаро манфаатли ҳамкорлик учун инвестор ва ишончли дўстлар қидирмоқда. Бу Ўзбекистоннинг дунёдаги ўзига хос ўрнини кўрсатади.

Форумда иштирок этаётган Туркия Республикаси вице-президенти Жавдат Йилмаз таъкидлаганидек, бутун дунё ўзгариши, ўзгаришнинг хоҳлаётгани ва ўзгариш учун маслаҳатлар, тавсиялар беради. Лекин ҳеч қачон ўзи ўзгариши ҳақида ўйламайди. Ўзбекистон ноёб намуна сифатида аввал ўзини ўзгартириди, камчиликларини таҳлил қилди ва уларни бартаф этиб, ўзгариб, бутун дунёга



хусусан, Ўзбекистон — Афғонистон — Покистон йўналиши орқали денгиз йўлига коридор очилган ҳаракат қилмоқда. Шунингдек, Ўзбекистон — Қирғизистон — Хитой темир йўли нафақат мамлакатимиз, қолаверса, Марказий Осиёни глобал транзит марказига айлантиради.

Давлатимиз раҳбари форумдаги нутқида инвесторлар ва халқаро ташкилотларни бу йирик минтақавий лойиҳаларда қатнашишга чақириб, шу орқали Буюк ипак йўлини замонавий асосда қайта тиклашни таклиф қилди. Ушбу стратегик лойиҳалар ҳаётимизга бутун дунёга катта манфаат келтириши шубҳасиз. Бугун айрим минтақаларда уруш ҳаракатлари кучайган, давлатлар ўртасидаги муносабатларга дарз кетган, муҳим аҳамият касб этмоқда. Афсуски, мамлакатимиз, хусусан, минтақамиз давлатлари жуғрофий

ҳамкорлик таклиф қилляпти. Бу тажрибадан барча давлатлар ўрнат олса арзийди. Мутараққий мамлакатларда бўладими, энди ривожланаётган мамлакатда бўладими, иқтисодиётлар ўртасида ҳамкорлик ўрнатилмас экан, халқаро тинчликка қаролат бўлмайпти. Биз ана шундай кунларда ишайамиз. Қисқа муддатда ёпиқ мамлакатдан очик давлатга айланган Ўзбекистон ҳам бутун ана шу ҳамкорликка ва дунёдаги тинчлик жараёни мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўишга ариза талаб қилмайдиган ҳақиқатга айланган бир шароитда энг зарур инвестиция ўзаро ишонч экани маълум бўляпти.

Шу нуқтан назардан, мамлакатимизнинг нафақат иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ҳаётида ҳам муҳим аҳамият касб этадиган бундай нуфузли анжуманининг юртимизда ўтказилганида рамзий маъно бор.

Буюк ўзбек йўли

САРМОЯДОРЛАР

НЕГА ЎЗБЕКИСТОННИ АФЗАЛ БИЛМОҚДА?

ЁХУД ПОЙТАХТИМИЗ МЕЗБОНЛИК ҚИЛГАН ЯНА БИР НУФУЗЛИ ХАЛҚАРО АНЖУМАН АҲАМИЯТИ ХУСУСИДА



Қаландар АБДУРАҲМОНОВ, академик

Бугун сармоядорлардан, бизнес вакиллари пул олиш, бирор лойиҳага жалб этиш осонмас. Улар ҳеч бир лойиҳа ёки мамлакатга беҳуда маблағ йўналтирмайди. Бунинг учун юз ўйлаб, минг ҳисоб-китоб қилади. Обдон ўрғанади, мулоҳаза юритади. Оддий қилиб айтганда, етти ўлчаб, бир кесади. Ўзи учун хулоса қилиб, кейин амалий ҳаракатга киришади. Сармоядорларнинг мамлакатимиз хусусида ижобий фикрга келиши учун сабаблар етарли. Бўлмаса, ўтган уч йилда ушбу форматдаги форум нафақат Ўзбекистон ёки Марказий Осиё минтақаси, балки халқаро доирада эътибор қозониб, аҳамиятли анжуман сифатида баҳоланарми?! Унда қатнашиш истагидигилар сафи йил сайин кенгайиб, бу йил 93 мамлакатнинг 2,5 мингдан зиёд вакили бир жойда — азим Тошкентда жам бўларми?!

Тошкент халқаро инвестиция форуми бугун шундай қутилди. Музокаралар олиб бориладиган ва муайян тўхтамага келинадиган муҳим майдонга айлиб улгурди. Ислохотлар туфайли ҳамма соҳада изчиллик таъминланди. Қилинадиган ишлар, рўёбга чиқадиган лойиҳалар мунтазам кўриниш касб этди. Бинобарин, ташқи дунёга очиқлик халқаро тажрибада ҳамкорликнинг муҳим мезони сифатида кўрилади. Давлатимиз раҳбари форумнинг очилиш маросимидаги нутқида таъкидлаганидек, мамлакатимизда инвестиция ва бизнес муҳитини тубдан яхшилаш, бу йўлдаги тўсиқларни босқичма-босқич бартараф этиш учун қатъий қадамлар ташланди. Ҳар бир сармоядор ўзини эркин ва ишончли ҳис қилиши учун кенг қўламли ислохотлар амалга оширилди ва ошириломоқда. Шу боис, ўтган уч йилда маърузу форум инвестициявий ҳамкорликни мустаҳкамлаш, энг долзарб муаммоларни муҳокама қилиш, илғор ғоя ва ёндашувларни ишлаб чиқиш учун самарали мулоқот майдони вазифасини ўтапти.

Бугун биз учинчи минг йилликнинг дастлабки чорагида, илм-фан, техника мўъжизаси тараққий этган, бир қарашда ҳаёт бир текис кечаётгандек туюладиган шиддатли даврга асиялган. Ривожланиш қанчалик жадал бўлмасин, инсоният ҳаёт тарзига салбий таъсир қилувчи турли нотинчликлар, сиёсий ва ҳарбий қарама-қаршиликлар, табиий ҳамда иқтисодий бухронлар сингари омиллар ҳам йўқ эмас. Улар бугун дунёнинг турли бурчагида турли кўринишда бўй кўрсатмоқда. Бундай мураккаб ва таҳликали шароитда, табиийки, мамлакатлар тинчликни таъминлаш, фуқароларига муносиб турмуш шароити яратиб бериш ҳамда жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнини топишга интилиши ҳар қачонгидан муҳим ва ўта долзарб масалага айланиб бораётган ҳам бор гап. Шу жиҳатларни инобатга олсак, Тошкент халқаро инвестиция форумининг аҳамияти ва салмоғи янада ортади.

Иқтисодиётимиз қарийб икки баробар ўсиб, ўтган йил якуни бўйича бу ўсиш 6 фоизни ташкил қилган, инфляция 9 фоизгача пасайиб, савдо айланмаси муттасил ошаётгани, валюта бозори ва олтин-валюта захираси барқарорлиги сақлаб қолинаётгани Ўзбекистон ўз йўлида қатъий одимлаётганини, барча соҳадаги ислохотлар орта қайтмас тус олаётганини аниқлашди.

Аниқ мақсадли ташаббуслар

Бугун халқимизнинг эркин ва фаровон, қудратли янги Ўзбекистонини барпо этиш бўйича хоҳиш-иродасини рўёбга чиқариш, ҳар бир фуқарога ўз салоҳиятини юзага чиқариш учун имконият бериш, соғлом, билимли ва маънавий баркамол авлодни тарбиялаш,

глобал иқтисодиётга дахлдор кучли иқтисодиётни шакллантириш каби маъсулятли вазифа туриди.

“Ўзбекистон — 2030” стратегияси ана шу мақсадларни рўёбга ошириш учун ишлаб чиқилган ҳамда унинг доирасидаги сайёҳаракатлар бутун бўй-баста билан шунга йўналган ва бу тўғри ишдир. Зеро, аввал бошиданоқ, инсон қадри ва манфаати ҳамма нарсадан устун қўйилган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий сиёсатдан айнан шунини кутиш ўринли.

Ўзбекистон ривожланган 50 мамлакат қаторига киришни кўзлаган. Бугунги ишларимиз, одамлар ҳаётидаги ўзгаришлар айна шу мақсадга қаратилган. Муҳими, ишлар аввалгидек фақат қоғозда ёки куруқ гап сифатида қолиб кетаётгани йўқ, Давлатимиз раҳбари ҳар бир йирик лойиҳани шахсан назорат қилмоқда. Ҳар бир соҳа вакиллари билан самимий, очиқ мулоқот ўтказмоқда. Оддий одамларни қийнаётган масалаларни уларнинг ёнига бориб ўрганмоқда.

Президентимизнинг очиқликка асосланган иш тутуми соҳа ва тармоқларга, ҳудудларга кўчиб, одамларнинг кундалик ҳаёт тарзида ўз аксини топапти. Албатта, булар Ўзбекистонда бизнес юртини истаган ишбилармонлар, хорижий молиявий ташкилотлар, йирик халқаро компаниялар эгалари — сармоядорлар назаридан четда қолмайди. Уларда мамлакатдаги ислохотларга ишонч уйғонади. Ишончинг ортиси эса мустақкам ҳамкорликка йўл очади. Ўзбекистондаги бу каби ўзгаришлар жаҳон ҳамжамияти эътирофида лойиҳа қўрилатганининг, маҳаллий ишбилармонлар билан ҳамкорлик қилиш, сармоя киритишни истовчилар кўпаяётганининг боиси шунда.

Инвесторларнинг нега айнан Ўзбекистонга қизиқиб келишига ушбу форумда жавоб олиш имкони бўлди. Нуфузли тадбирда минтақанинг ишончли инвестиция марказига айланиб бораётган мамлакатимиз салоҳияти тўла намоён қилинди. Ҳар бир иштирокчига ҳамкорлар билан манфаатлар кеншилтирилган нукталарни топиши, муайян инвестиция лойиҳаларини ўрганиши, ўз йўналишидаги сўнгги янгиликларни муҳокама этиши ва истиқболли тақлифларни қабул қилиши учун барча шароит яратиб берилди.

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясида мамлакатимизда 250 миллиард долларлик инвестицияни ўзлаштириш, жумладан, 110 миллиард долларлик хорижий инвестиция ва давлат-хусусий шериклик доирасида 30 миллиард доллар инвестиция жалб қилиш режалаштирилган. Шунингдек, умумий қиймати 150 миллиард долларлик 500 дан зиёд стратегик аҳамиятга эга технология ва инфратузилмавий лойиҳаларни рўёбга чиқариш, ҳудудларнинг инвестиция рейтингини юритиб, ҳар бир ҳудуднинг сармоядорлар учун жозибадорлигини янада ошириш белгиланган.

Таҳлилларга кўра, юртимизда кўеши ва шомол энергетикаси салоҳияти электрга ҳозирги эҳтиёжини 10-12 баробар ортириш билан қоплашга етати. Давлатимиз бу соҳага катта эътибор қаратиб, ҳуқуқий замин яратиб, “яшил” энергия манбаларини барпо қилиш бўйича катта дастурларга старт берилди. Инвесторлар учун жозибадор муҳит ташкил этилди. Натияжада Бухоро, Жиззах,



Президентимиз учинчи Тошкент халқаро инвестиция форумидаги нутқида хусусийлаштириш тўғрисидаги қонун қабул қилингани, 250 та йирик корхонанинг давлат улуши ва салкам 1000 та кўчмас мулк объектини сотиши, 12 та корхона акцияларини фонд бозорига бирламчи оммавий жойлаштириш (IPO) учун янги дастур ишга туширилганини таъкидлади. Тадбиркорлар барқарорлиги рейтингини жорий этилиб, юқори рейтингга эга тадбиркорлик субъектларида солиқ текшируви ўтказилмаслиги, энди хорижий сармоядорлар акциялардан олинаётган дивиденд бўйича уч йил муддатга солиқлардан озод этилиши алоҳида қайд этилгани ана шу мақсадларга эришишда қўл келиши шубҳасиз. Бу ишлар осон битмайди, албатта. Давлатимиз раҳбари нутқида келтирилганидек, “... Жаҳон иқтисодиётининг ўсиш суръатлари сўнгги уч йил давомида пасаймоқда. Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар билан боғлиқ тенденциялар ҳам қулган умидлардан оқламайпти. 2023 йилда ривожланаётган давлатларга киритилган инвестициялар умумий ҳажми 9 фоизга камайди”.

Навбатдаги анжуман ана шундай шароитда ўтказилгани билан ҳам аҳамиятлидир. Бу ўзаро ишонч, ҳурмат руҳи ва бир-бирини қўллаб-қувватлаш тамойили бугун бирламчи ва устувор масалага айланиб бораётгани, форум эса бунинг учун пойдевор бўлиши лозимлигини аниқлади. Зеро, кенгашли, бамаънаҳат ишда самарали натижага эришилади.

Энг кўп тилга олинаётган йўналишлар

Давлатимиз раҳбари нутқида инвесторлар учун яратилаётган бошқа қўлайликлар ҳам айтилди. Хусусан, янги вақтда мамлакатимиз санаят зоналари тизимида мулҳоқ янгица ёндашувлар жорий этилиши кутилмоқда. Санаят зоналарини бошқаришга хусусий операторлар, жумладан, юқори маалакли хорижий компанияларини фаол жалб қилиш амалиёти кенгайтирилди. Махсус иқтисодий зоналар фаолияти муддати бўйича чекловлар ҳам беқор қилинади. Хорижий сармоядорларга ерни ижарага бериш муддати 25 йилдан 49 йилгача, яъни икки баробар узайтирилди. Бунда қонунлар билан қопланган амалдаги имтиёз ва преференциялар тўлиқ сақлаб қолинади.

Экологик тоза, барқарор энергия манбаларини яратиб ҳозир бутун дунёда энг кўп тилга олинаётган, энг кўп сармоя йўналтирилаётган соҳалардан бирига айланган. Бинобарин, келгусидаги эҳтиёжини фақат шу йўл билан қаноатлантириш мумкин. Айни пайтда мамлакатимизда бу борада 28 та лойиҳа астида ишлар давом эттирилаётгани, Ўзбекистонда 2030 йилгача 20 гигаваттдан ортиқ қайта tikланувчи энергия қувватларини яратиш ва энергетика балансида унинг улушини 40 фоизга етказиш мақсад қилингани диққатга сазовор.

Таҳлилларга кўра, юртимизда кўеши ва шомол энергетикаси салоҳияти электрга ҳозирги эҳтиёжини 10-12 баробар ортириш билан қоплашга етати. Давлатимиз бу соҳага катта эътибор қаратиб, ҳуқуқий замин яратиб, “яшил” энергия манбаларини барпо қилиш бўйича катта дастурларга старт берилди. Инвесторлар учун жозибадор муҳит ташкил этилди. Натияжада Бухоро, Жиззах,

Қашқадарё, Навоий, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятларида 1,6 гигаваттлик 9 та йирик кўеши ва шомол электр станцияси ишга туширилди. Андижон, Самарқанд, Сурхондарё ва Тошкент вилоятларида 183 мегаваттлик 6 та йирик ва кичик ГЭС фойдаланишга топширилди. Хўлас, деярли барча вилоятда замонавий кўеши ва шомол электр станциялари барпо этилмоқда. Саудия Арабистони, БАА, Хитой, Франция ва Швейцария каби давлатлар бу борада бизга яқин ҳамкор бўлмоқда.

Умуман, жорий йил якунига кўра, кўеши электр станцияларининг умумий қувватини 2,6 гигаваттга, шомол электр станциялари қувватини 900 мегаваттга етказиш ва 400 мегаваттлик энергия сақлаш қурилмаларини шунинг учун яратилиши режалаштирилган.

Ислохотлар, қилинган ишлар самараси тақдосда янада яққол намоён бўлди. Яқин-яқингача энергетика мамлакатимиз иқтисодиётининг оғрикли нукталаридан бири. Аҳолини оддий электр токи билан таъминлашнинг ўзи қийин масала эди. Бу ҳолат, айниқса, чекка-чекка ҳудудларда кўп сезиларди. Қишлоқларда электр қунига бир-икки соатта бериладди, холос. Бу эса аҳоли турмуш шароитига ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Одамлар йўқ электр учун иштатилмайдиган маиший техника харид қилишдан ўзини тиярди. Аниқроғи, хоҳиши бор, иложини тополмасди.

Бугун эса манзара буткул бошқача. Юқоридagi каби истиқболли лойиҳалар одамларнинг келажаги ишончинини оширди. Уйлардан чироқ ёниб, орзу-ҳаваслар реал воқеликка айланмоқда. Албатта, нуфуз қўлайлиб, иқтисодиёт ривожланиши ортдан энергияга талаб ҳам ортиб бораверади. Форумдан олдин ва унинг доирасида эришилган келишувлар ўсаётган талабни қаноатлантиришга хизмат қилади.

Яна бир йўналиш — банк-молия соҳасини олайлик. Яқин-яқингача ойлик маошинини муайян фойз эвазига нақдлаштириб юрган ўзимиз эмасмики?! Банклардан хориж валютасини сотиб олишни-ку, айтмас ҳам бўлади. Валюта бозори ҳам иккига — расмий ва “қора бозор”га ажралиб қолган. Оддий одамларни қўя турайлик, йирик тадбиркорлар ҳам валюта масаласида қатор тўсиқларга, чекловларга дуч келарди. Ипотeka кредити ажратиш эса катта масалага айланганди.

Молия тизимига бутунлай янгица қараш ва иш услубини ўрнатишга қаратилган ҳужжатлар қабул қилиниши, банкларнинг хусусийлаштирилиши, улардаги трансформация жараяни бундай тўсиқларга барҳам берди. Хизматлар рақамлаштирилди, фойдаланиш қўламли кенгайди. Биргина мисол: 2023 йилда тижорат банклари аҳолига ажратган ипотека кредити 16,8 триллион сўми (2022 йилга нисбатан 17,3 фоиз ошган) ташкил этиб, жорий йил 1 январь ҳолатига кўра, улар қолдиги 58,2 триллион сўмга (30 фоиз кўп) етди.

Ажратилган ипотека кредитининг 58 фоизи бирламчи, 42 фоизи эса (2022 йил нисбатан 17 фоиз ўсган) иккиламчи бозордан уй-жой сотиб олиш учун йўналтирилди. Бир йилда банк карталарига 789 триллион сўм кириб қилинган. Бу кўрсаткич 2022 йилга нисбатан 1,4 баробар ошди. 2023 йилда банк карталарига 189 триллион сўм нақдлаштириб олинган.

Энди одамлар уйдан чиқмасдан туриб кредит олапти. Зарур тўловларни тўлаётти. Қисқа муддатда валюта харид қилинапти. Булар бугун ўзимиз фойдаланаётган хизматларнинг базилари, холос. Ўзбекистонда молиявий ресурсларга талабни қаноатлантириш учун капитал бозорини ривожлантириш бўйича ёндашувлар қайта кўриб чиқилаётгани, халқаро молиялаштириш инструментларини ривожлантириш устида иш олиб борилаётгани эса сармоядорлар, ишбилармонлар фаолиятига янада ижобий таъсир кўрсатади.

Форумда Ўзбекистон тақлиф этган йўналишлардан яна бири фойдали қазималардан унумли фойдаланишни кенгайтириш бўлди. Мамлакатимиз бу борада ҳам катта имкониятга эга. Заминимизда минерал ресурслар ва муҳим металлларнинг катта захираси мавжуд. Халқаро тажриба асосида янги таҳрирдиги,



“Ер ости бойликларини тўғрисида”ги қонунинг қабул қилиниши режалаштирилаётгани ишларни янги босқичга кўтарди, албатта.

Мамлакатимизда геология соҳасига ҳар йили 1 триллион сўмдан ортиқ маблағ ажратилиб, маърузи дастурлар амалга оширилмоқда. Натияжада ўтган йили тоғ-кон соноатида ишлаб чиқариш ҳажми қарийб 11 миллиард долларга етди. Жаҳон иқтисодиётида технология вазияти тез ўзгараётгани, электромобил ишлаб чиқариш, “яшил” энергетика, электротехника соноатида камбە металлургия талаб тобора ортиб бораётганини инобатга олсак, соҳанинг келажаги ёрқин.

Бугун Ўзбекистонда қулай ва замонавий транспорт тизимларини яратишга катта эътибор қаратилмоқда. Темир йўл соҳасида туб ислохотлар олиб бориломоқда, тармоққа хусусий инвесторларнинг жалб этиш учун кенг имкониятлар очилмоқда. Пулли автомобиль йўли ва тезорар поезд ҳаракатланадиган темир йўллар қуриш бўйича қўшма лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда.

Тошкент, Бухоро ва Урганч халқаро аэропортларини ривожлантириш ва янгиликларни қуриш бўйича хорижий салоҳиятли инвесторлар билан ҳамкорлик лойиҳалари тайёрланяпти. Ўзбекистон инвесторлар ва халқаро ташкилотларни бу йирик минтақавий лойиҳаларда қатнашишга, Буюк ипак йўлини замонавий асосда қайта тиклашга тақлиф

қилапти. Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон ва Ўзбекистон — Афғонистон — Покистон темир йўлларини қуриш бўйича ишлар бошланган. Ушбу стратегик лойиҳалар минтақадаги геостратегик вазиятни бутунлай ўзгартириб, Марказий Осиёни Шимол ва Жануб, Шарқ ва Ғарб билан боғлайдиган глобал транзит марказига айлантиради. Бу инвесторлар учун катта имкониятдир.

Сармоя барибир инсонга хизмат қилади

Инвестиция қайси йўналиш, тармоқ ёки соҳага йўналтирилмасин, охир-оқибат инсонга, фаровон ва тўқис турмушга хизмат қилади. Бу, айниқса, ахборот технологиялари йўналишида янада ёрқин намоён бўлади. Чунки бугун ва келажақ касби ҳисобланган ахборот технологиялари мутахассислари учун илк зарур сармоя илм бўлса, иккинчиси, шу илмни юзага чиқариш учун сарфланадиган маблағдир.

Шу маънода, бир йил мобайнида мамлакатимизда ахборот технологиялари хизматлари ва дастурий маҳсулотлар экспорти икки баробар ошди, келгусида бу кўрсаткич 5 миллиард долларга етказилади. Келгусида ахборот технологиялари парк резидентлари сони ўн баробар кўпайтирилиб, 100 минг янги иш ўрни яратилиши режалаштирилган.

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясининг биринчи мақсади “Ҳар бир инсонга ўз салоҳиятини рўёбга чиқариши учун муносиб шароитларни яратиш” дея номланади. Ҳозир дунёда инсон капитали ривожига нафақат иқтисодиёт, балки бутун жамиятнинг янги сифатли шакллантируви омили сифатида қаралаётганини инобатга олсак, қилинадиган ишлар салмоғи ва юқи янада ортади. Ёшларнинг замонавий касблар билан машғул бўлиши таъминлаш учун ҳар бир вилоятда биттадан “Креатив парк” ташкил этилади. Болалар мактабга таълим ва тайёрлов гуруҳларига тўлиқ қамраб олинади. Ўқувчиларнинг мактабни камиди 2 та хорижий тил ва 1 та касбини эгаллаб битириши учун шароит яратилади. Натияжада ёшларнинг ишчиллик даражаси 14 фоиздан 11 фоизга камайиштирилади. Биргина ахборот технологиялари соҳасида 300 минг ўқувчи-қиз иш билан таъминланади. Ёшларни олий таълим билан қамраб олиш даражасини камиди 50 фоизга, олий таълим муассасаларида илмий салоҳиятнинг 70 фоизга етказиш чоралари қўрилади.

Ҳар қандай билим кишини ғайратга ундаган тақдирдагина қимматли бўлади, деган гап бор. Шу жиҳатдан олганда, Ўзбекистонда ёшларни илмли ва касбли қилишга қаратилган ишлар янги ташаббус ва ғоялар руҳлантираётти. Улар эришаётган муваффақиятлар эса мамлакат тараққиётига хизмат қилаётгани билан қийматли.

Мамлакатимизда 60 миллиард доллардан зиёд хорижий инвестиция ўзлаштирилиб,

ўтган йилнинг ўзида улар ҳажми қарийб икки баробар кўпайди. Бу, давлатимиз раҳбарининг учинчи Тошкент халқаро инвестиция форуми очилиш маросимидаги нутқида таъкидланганидек, Ўзбекистонни хорижий инвесторлар учун ишончли ва узоқ муддатли ҳамкорга айлантириш борасида қўрилаётган аниқ мақсадли дастур ва лойиҳалар, кенг қамровли ислохотлар самарасидир. Инвесторларнинг ҳар бир ташаббуси, ҳар бир лойиҳасини давлатимиз, ҳуқуқимиз қўллаб-қувватлайди. Уларни тўлиқ рўёбга оширишда яқиндан ёрдам берилади. Чунки янги Ўзбекистон бекбёс имкониятга эга, адолатли ва жадал ривожланаётган дунёвий мамлакатдир.

Учинчи Тошкент халқаро инвестиция форумининг иккинчи кунинда давлатимиз раҳбарини расмийликда Хорижий инвесторлар кенгашининг навабдаги ағли мажлиси ўтказилгани ҳам нуфузли тадбирнинг янада самарали ва барқали кечишини таъминлади. Унда ишбилармонларнинг Ўзбекистон билан узоқ муддатли ҳамкорлик ва конструктив мулоқотни кенгайтириш борасидаги қатъий интилиши ва ниятлари юзаси қадрланиши, мамлакатимизда муваффақиятли бизнес юритиши, ўзини эркин ва ишончли ҳис этиши учун барча шарт-шароит яратиб берилиши таъкидланди. Демак, олдинда бу борада ҳали салмоқли ишлар, мамлакатимиз равақига хизмат қилувчи лойиҳалар кўп.



Бугуннинг гапи



Рустам ҚАРШИЕВ,
сув хўжалиги вазири
ўринбосари

Қишлоқ хўжалиги ривожини, экинлардан мўл ҳосил олиш, бозорларимиз тўқинлигини, умуман, мавжудотнинг тирикчилигини сувга боғлиқ. Жорий сўғориш мавсуми деҳқонларимиз учун анча баракали келди. Ўтган йилнинг куз-қиш фасли ва баҳор ойлари ёғингарчиликка бой бўлди. Шунинг ҳисобига мамлакатимиздаги сув омборларига жами 11 миллиард 155 миллион куб метр (2023 йилнинг шу даврига нисбатан 12 фоиз кўп) сув йиғилди. Юртимизда 1 апрелдан ёғин сўғориш мавсуми бошланган бўлиб, ҳудудларга белгиланган лимит асосида сув етказиб берилмоқда.

Сув таъминоти Ўзбекистон учун долзарб масалалардан. Чунки оқиб келаётган сув ресурсларининг 80 фоизи бошқа мамлакатларда шаклланади, бор-йўғи 20 фоизгина юртимиз ҳудудида ҳосил бўлади. Шу боис, қўшни давлатлар билан сув масаласида қатор муҳим келишувларга эришилди. Бунинг самараси ҳозирги саъй-ҳаракатларда яққол намоён бўлмоқда. Жумладан, 2024 йил 30 апрелда Туркманобод шаҳрида Сув хўжалиги масалалари бўйича ўзбек-туркман ҳукуматларо қўшма комиссиясининг тўртинчи йиғилиши ўтказилди. Унда Ўзбекистон Республикасининг Туркманистонда жойлашган сув хўжалиги объектларини хатловдан ўтказиш ва "Туямўйин" гидроузелининг "Султонсанжар" тўғонида "сув филтрация-сигна қарши девор қуриш" лойиҳаларини жаддалаштиришга келишиб олинди.

Гидрологик йил давомида (2023 йил 1 апрелдан 2024 йил 30 мартгача) Амударёнинг сувлилик даражаси таҳлил қилиниб, томонларнинг мамлакатлар иқтисодий тармоқларини сув билан таъминлаш бўйича кейинги ҳаракатлари қўриб чиқилди.

ТОБОРА ДОЛЗАРБЛИГИ ОРТИБ БОРАЁТГАН МАСАЛА



Комиссия Амударёда сувни ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш муҳимлигини қайд этди. Томонлар халқаро молия институтлари грант маблағларини жалб этиш орқали гидропостларда сув ҳисобининг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш ва гидропостларни тиклаш бўйича лойиҳаларни биргаликда амалга оширишга тайёр эканлигини тасдиқлади.

Амударё қирғоқларини мустаҳкамлаш, каналлар ўзинини текислаш орқали сув ресурслари йўқотилишини камайтириш ва сувнинг тўқинлигини таъминлашга ҳам эътибор қаратилди. Муҳими, бундай учрашув ва келишувлар амалий натижаларини кўрсатмоқда.

1980-йилларда соҳа олим ва мутахассислари Амударё ҳамда Сирдарё ҳавзасида жойлашган Ўзбекистоннинг бир йиллик сув истеъмолини 64 миллиард куб метр деб ҳисоб-китоб қилган. Минтақадаги глобал



иқлим ўзгариши, қор ва ёғиннинг кам ёғаётгани, музликлар ҳамда йирик дарё ҳавзаларида, кичик дарё ва сойларда сув сатҳининг пасайиб бораётгани, шунингдек, трансгеографик сувдан фойдаланиш муаммолари туфайли юртимизда йиллик ўртача 51-53 миллиард куб метр (97,2 фоизи дарё ва сойлардан, 1,9 фоизи коллектор тармоқларидан, 0,9 фоизи ер остидан) сув ресурсларидан фойдаланилмоқда. Ажратилган сув олиш лимити 20 фоиз қисқарган.

Гидрометеорология хизмати агентлигининг таҳлили ва дастлабки баҳолашига кўра, Амударё ва Сирдарё ҳавзасидаги аксарият дарёларида 2024 йилги сўғориш мавсумида кутилаётган сув миқдори мейёрдан камайиши тахмин қилинмоқда. Жумладан, Қашқадарёда 70-80 фоиз, Вахш, Сурхондарё, Зарафшон, Қорадарё, Чирчиқ ва Оҳангаронда 80-90 фоиз, Фарғона водийси шимолдаги дарёлари ва Норин дарёсида 85-95 фоиз, Фарғона водийси

жанубидаги дарёларида 95-105 фоиз бўлиши кутилмоқда.

Каналларни бетонлаш, сув тежовчи технологиялар жорий этиш, соҳани рақамлаштириш, сувни самарали бошқариш ҳисобига мамлакатимизда ҳар йили 7 миллиард куб метр атрофида сув иқтисод қилиняпти. Сув тежамкорлик билан ҳисоб-китоб асосида етказиб берилётгани натижасида қишлоқ хўжалиги экинларидан мўл ҳосил олинапти. Шундай бўлса-да, сув танқислигига қарши курашиш Ўзбекистон олдидagi энг асосий ишлардан бири бўлиб қолмоқда ва бу борада қатъий чоралар қўрилоқда. Сўғориш тармоқларида сув йўқотилишини камайтириш мақсадида 2024 йилнинг сув хўжалигида "каналларни бетонлаш бўйича зарбдор йил" деб эълон қилинган бунинг яққол исботидир. Шу мақсадда жорий йилда 5 минг километр сўғориш тармоғи (шундан 1,5 минг километр магистрал ва хўжаликларно ҳамда 3,5 минг километр ички тармоқни) бетонлаш вазифаси белгиланган. Бугунгача 518,2 километр канал реконструкция қилинди. Шундан 351,7 километри бетонлаштирилди. Кластер ва фермер хўжаликлари бетонлаштирилган каналлар узунлиги эса 11 минг километрини ташкил қилди.

Сўнги йилларда мамлакатимизда сув тежовчи технологиялар билан қамраб олинган майдон 1,3 миллион гектарга етказилди. Шундан 478 минг гектари томчилатиб, 55 минг гектари ёмғирлатиб, 29 минг гектарни дискрет усулда сугорилади. 700 минг гектардан ортиқ майдон лазерли ускуна ёрдамида текисланди.

Сувтежамкор технологияларни жорий этиш бўйича бошланган ишлар изчил давом эттирилади. Бу йил 500 минг гектар майдонда тежамкор технологияларни жорий этиш, 2030 йилгача сугорилаётган 4,3 миллион гектар майдонни шундай технологиялар

билан тўлиқ қамраб олиш кўзда тутилган. Бунинг учун зарур ускуна ва бутловчи қисملарни маҳаллий шaroитда ишлаб чиқарувчи корхоналар сони 55 тага етди.

Каналларни бетонлаш, сув тежовчи технологияларни жорий этиш, соҳани рақамлаштириш, сувни самарали бошқариш ҳисобига 2024 йилда 8 миллиард куб метр сувни иқтисод қилиш кўзда тутилган.

Энг муҳим ечимлардан бири

Таҳлилларга кўра, глобал иқлим ўзгариши таъсирида минтақамизда сув ресурслари камайтириши ҳисобига обихаётга талаб ортиб бораверади. Мана шундай шaroитда сув тақчиллигини юмшатишнинг ягона ечими сувни тежаш, ундан оқилона фойдаланиш эканлиги ҳаётнинг ўзи исботлаб турибди.

Жорий йил 18 март кuni ўтказилган видеоселектор йиғилишида бу йил қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва озиқ-овқат экспортини жадал ошириш учун шaroитлар яратиш бўйича ўта муҳим топшириқлар берилди. Сув хўжалиги вазирилик мутахассислари мазкур вазифалар ижросини таъминлашга астойдил ҳаракат қилиб, деҳқон, боғбон, миришқор соҳибдорларга кўмакчи бўлмоқда. Вазирлик ҳузуридаги ахборот-таҳлил ва ресурс маркази сувдан унумли фойдаланиш, сув ресурсларини самарали бошқариш ва тежаш жараёнини рақамлаштиришга ҳисса қўшапти.

Бугунгача мамлакатимиз ҳудудида сув сарфини онлайн мониторинг қилиш имконини берувчи 11 минг 349 та "ақли" сув қурilmаси ўрнатилди. Улардан келаётган маълумотни умумлаштириш ва таҳлил қилиш имконини берувчи smartwater.uz ахборот

тизими ишлаб чиқилди. Натижада сув назорати ва ҳисоб-китобини онлайн юритиш ҳамда тезкор бошқариш орқали сувдан фойдаланиш самарадорлигини 10 фоиз яхшилашга эришилди.

Ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, ер ости суви сатҳини онлайн кузатуви 6657 та "дайвер" қурilmаси ўрнатилди. Бунинг учун "Мелиорация" ахборот тизими ишлаб чиқилди. Натижада сизот сув сатҳи ва минераллашувининг онлайн мониторингини юритиш орқали ернинг мелиоратив ҳолатини баҳолаш аниқлиги ҳамда мелиорация тадбирларини ўтказиш самарадорлиги 20 фоиз ошди.

Мамлакатимизда сугориладиган майдоннинг 60 фоизи насос станциялари ва сугорилиш қудуқлари орқали сув билан таъминланади. Шу боис, электр энергиясини тежаш ҳам муҳим вазифалардан. Айни пайтгача насос станцияларида сув сарфини онлайн назорат қилиш учун 1722 та қурilmма ўрнатилиб, махсус ахборот тизими яратилган. Шунингдек, ўрнатилган назорат-ўлчов қурilmмаларидан келаётган маълумотни қабул қилувчи база ҳамда қурilmмаларни тегишли ахборот тизими билан интеграция қилиш учун API манзиллар билан таъминловчи дастурий таъминот ҳам ишлаб чиқилган.

"Худудий электр тармоқлари" АЖ билан биргаликда вазирилик ҳисобидagi насос станцияларида ўрнатилган ва сарфланаётган электр энергияси кўрсаткичларини назорат қилиш имконини берувчи қурilmмалар маълумотларини вазириликнинг тегишли ахборот тизимлари билан интеграция қилиш ишлари бажарилмоқда. Шу тариқа сўнги уч йилда 65 та йирик сув хўжалиги объектини бошқариш жараёни автоматлаштирилди.

Сув етказиб берувчи ташкилотлар ва истеъмолчилар ўртасида расмийлаштирилган далолатномаларни ҳар ой якуни бўйича электрон шаклда тўлдириш ҳамда электрон рақамли имзолар орқали тасдиқлаш имконини берувчи "Сув ҳисоби" ахборот тизими ишга туширилди. Ҳозир мазкур тизим Фарғона вилоятининг Ёзёвон туманида тест режимида синовдан ўтказилмоқда.

Сув ҳисобини, хош сўғориш учун бўлсин, барибир аҳамиятли. Кейинги йилларда экологик иқлим ўзгаришлари, нотабий таъсирлар ортиб боради экан, сувнинг қадри ҳам тобора ошмоқда. Сув том маънода азиз неъматга айланмоқда. Унинг ўрнини эса бошқа ҳеч нарса босолмайди. Шу маънода, оқилона ва узоқни кўзлаган сиёсат натижасида сувга доир долзарб масалалар ўзаро келишув асосида ҳамжихатлик билан ечилётгани диққатга сазовор. Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган концепцияси тасдиқлангани, унинг доирасида ҳар уч йилда стратегия қабул қилиниб, ижроси таъминланаётгани ушбу йўналишдаги саъй-ҳаракатларга янгича руҳ бағишлamoқда.

Янгича ёндашувлар

Электр энергиясига пул тўлаш ўрнига уни давлатга сотиб фойда олаётган фуқароларимиз сони кундан кунга ошиб бораётган. Бу эса энергия барқарорлигини таъминлаш, қайта тикланувчи энергия манбалари ва энергия тежовчи технологияларни жорий этиш, соҳани давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмларини такомиллаштириш борасида дадил қадамлар ташланаётгани самарасидир. Ҳозир юртимизда қайта тикланувчи энергия манбаларининг электр энергияси ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши қарийб 10 фоизни ташкил этмоқда. Аммо Ўзбекистондаги салохият эътиборга олинса, бу унчалик катта кўрсаткич эмас.

Шунинг учун "Ўзбекистон — 2030" стратегиясида "яшил" иқтисодийга ўтиш, унинг асоси бўлган қайта тикланувчи энергиядан фойдаланиш кўрсаткичларини кескин ошириш борасида қатор вазифалар белгиланган.

Хусусан, ҳужжатда қайта тикланувчи энергия манбаларини 25 минг мегаватт ҳамда жами истеъмолдаги улушини 40 фоизга етказиш, санаотда "яшил сертификат"лар бозорини ривожлантириш ва "экологик маркировка" 3, 2 гегаватт қувватли 3 та иссиқлик электр станциясини модернизация қилиш орқали табиий газ сарфини камайтириш ва кўп қаватли уй-жойлардаги хонадонларнинг энергия самарадорлиги (энергоаудит)ни баҳолаш тизимини жорий этиш ана шулар жумласидандир.

ТАБИЙ ВА ТЕКИН РЕСУРС

"Қуёшли хонадон" дастури оилаларга қўшимча даромад олиб келмоқда

Президентимизнинг 2023 йил 16 февралдаги "2023 йилда қайта тикланувчи энергия манбаларини ва энергия тежовчи технологияларни жорий этишни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори айни шу мақсад — аҳоли, ижтимоий ва уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳалари ҳамда иқтисодий тармоқларида қайта тикланувчи энергия манбаларини кенг жорий этиш ва рағбатлантиришга хизмат қилаётгани билан аҳамиятлидир.

Мазкур ҳужжатда белгиланган вазифалар ижроси доирасида ўтган йил 1 апрелдан аҳоли хонадонларига кичик қувватли (умумий қуввати 50 киловаттгача) қуёш панелларини ўрнатишни рағбатлантириш бўйича "Қуёшли хонадон" дастури татбиқ этилди. Минглаб хонадонлар муқобил энергия манбаларини кенг қўллаётгани ва икки томонлама фойда кўрапти.

Биринчиси, хонадонга ўрнатилган қуёш панеллари орқали электр энергияси учун ҳаражат камайган бўлса, иккинчиси, истеъмолдан олган электр энергиясини тармоққа сотиб даромад кўриш имкони вужудга келди.

Бунда субсидия ҳар ой якуни билан жисмоний шахслар томонидан ягона энергетика тизимига узатилган энергия ҳажми ва тизимдан истеъмол қилинган электр энергияси ҳажми ўртасидаги ижобий тафовут миқдоридан келиб чиқиб ҳисобланади. Субсидия тўловлари жисмоний шахсларнинг жами даромадлари таркибига киритилмайди.

Аслида, бу каби янгиланишлар тизимга татбиқ этилганига ҳам мана, орадан бир йилдан ортиқроқ вақт ўтди. Хўш, шу вақт мобайнида бу борада қандай ишлар амалга оширилди?

— Ўтган давр мобайнида "Қуёшли хонадон" дастурига 13 мингдан ортиқ шахсдан аризалар қабул қилинган, — дейди Солиқ қўмитаси бош инспектори Доро Шамсидинов. — Уларнинг 12 мингга яқини тасдиқланган. Шундан қарийб 2 минг фуқарога субсидия ажратилди. Бизга келаётган мурожаатларда мазкур дастур иштирокчисига айлануш учун нима қилиш керак, деган савол кўп бўляпти. Жавоб оддий: бунинг учун хонадонда қайта тикланувчи энергия манбалари қурilmмаларини ўрнатган киши "Soliquz" мобил иловаси орқали рўйхатдан ўтди ва "Қуёшли хонадон" дастури иштирокчисига айланади. Ушбу иловага "Quyoshi xonadon" хизмати орқали тегишли маълумотлар, яъни аризани онлайн тарзда юборди. Шундан сўнг "Худудий электр тармоқлари" АЖ худудий филиаллари ходимлари томонидан "Электрҳисоб" дастурий комплексидagi аҳоли истеъмолчиси шартнома карточкасидаги маълумотлари



хатловдан ўтказилди. Хатлов натижаларига кўра, қуёш панелларида ишлаб чиқарилган ва ўз истеъмолдан олган энергия тизимга узатилган электр энергиясини ҳамда электр тармоғидан истеъмол қилган электр энергияси ҳисоби олинди, ой давомидаги ижобий тафовут ҳисоб-китоб қилинади.

Мазкур дастурга қизиқиш билдирганлар сони кундан кунга ўсмоқда. Хусусан, биргина жорий йилнинг дастлабки икки ойида давлатга электр энергияси сотган бир ярим минг фуқарога 508 миллион сўмдан зиёд субсидия тўлаб берилди. Биргина Тошкент

шаҳрида қуёш панеллари ўрнатган ташаббускорларга бир ойда ўртача олти миллион сўмгача субсидия ажратилмоқда.

Доро Шамсидиновнинг қўшимча қилишича, "Қуёшли хонадон" дастурида иштирок этишни янада осонлаштириш мақсадида солиқ мобил иловасида қўшимча қулайликлар яратилмоқда. Масалан, ишончнома хизмати.

Бу хизмат ушбу дастур доирасида ёши катта фуқаролар ёки солиқ мобил иловасидан фойдаланиш имконияти йўқ шахслар учун жуда қулай. Улар илова орқали оила аъзолари, яқин қариндошларига ишончнома

бериши мумкин. Бу ишончнома эгаси қуёш панели ўрнатган фуқаролар номидан субсидия бўйича ариза юбориши ва маблағларни пластик карталарга тушириб олиши мумкин.

Таҳлилларга кўра, худудлар кесимида "Қуёшли хонадон"лар сони бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм вилояти ва Тошкент шаҳри етакчиллик қилмоқда. Аҳолининг бу борадаги фаоллиги қолган худудларда ҳам ортиб бормоқда.

— Электр энергияси учун ҳисобланган пулни тўлашга роса қийналардик, қарздорлик ошиб кетиб, тоқдан узиб ҳам кетган ҳолатлар бўлган, — дейди пойтахтимизда яшовчи пенсионер Раҳимберди ота Жабборов. — Ҳозир уйимизда еттига қуёш панели ўрнатилган. Кун исинганда бери электр энергиясига пул тўлаганимиз йўқ, қайтагина ортганини давлатга сотаямиз. Бу йил 1 майдан электр нархи ошибди, — дейди мана бу оиланинг раҳбари. Энергияни тежаш ишлаши орқали давлатга электр энергияси сотаямиз.

Мазкур дастур орқали мамлакатимизда энергетик барқарорлик таъминлашни баробарида аҳоли моддий манфаат кўрмоқда. Энг асосийси, "қуёшли хонадон"лар қўлайиши экологик вазиет яхшиланиши, атроф-муҳит маъсфуллогия хизмат қилиши билан ҳам аҳамиятлидир.

Лутфулла СУВОНОВ,
"Янги Ўзбекистон" муҳбири

БИЗ БИР БЎЛСАК — ЯГОНА ХАЛҚМИЗ, БИРЛАШСАК — ВАТАНМИЗ!

Ёшлар футбол ўйнаб, галаба қозониш учун хорижга йўл олган эди. Ватанга қахрамон бўлиб қайтмоқда. Дарҳақиқат, ёш, умидли спортчилар Қатарда футбол бўйича Осиё кубогига ўзига хос ўйин кўрсатди. Финал баҳсигача рақиб жамоалари дарвозасига 14 та жавобсиз гол уриб, юртимиз тарихида биринчи марта жамоавий спорт тури бўйича Олимпия ўйинларида қатнашиш имконига эга бўлди. Улар финалда ҳам матонат ила ўйин кўрсатди. Жамоамиз Осиё ўйинларида яна бир бор кумуш медални қўлга киритди. Шу чоғда яна бир хушxabар етиб келди. Нодирбек Абдусатторов Швецияда ўтказилган "Тере Sigeman 2024" турнири чемпиони бўлди! Ақл жангида ҳам ёшларимиз илгор экани чинакам фахр!



Миллионлар ўйинидан Миллат бирдамлигигача

мамлакат тараққиётининг таянчи қандай тарбияланмоқда?

Боборовшан ҒОЗИДДИНОВ, "Янги Ўзбекистон" мухбири

Ёш футболчиларнинг финал ўйини кузата туриб, улар бу натижага қандай эришгани ҳақида ўйлаймиз. Бундай хаёллар беихтиёр мамлакат тараққиёти, жамият ҳамжиҳатлигига боғланади. Негаки, ҳар бир соҳадаги ютуқлар ўша ерда адолат қарор топаётганидан далолат беради. Ёшлар футбол мисолида ҳам юртимизнинг яқин тарихидаги ўзгаришлар кўламини кўриш мумкин. Масалан, 2017 йил 3 январь куни "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги қонун қабул қилинган эди. Шундан сўнг бу борада жиддий ўзгаришлар бошланди. Ислохотлар натижаси ҳам тезда кўзга ташланди. Шу жумладан футболда! Ўша орадан роппа-роса бир йил ўтиб, 2018 йил аввалида футбол бўйича Ўзбекистон U23 тарма жамоаси Осиё чемпионли бўлди. Улар жамиятда таниш-билишчиликка, коррупцияга барҳам бериш орқали мамлакат қай даражада тараққий этганини футбол мисолида кўрсатиб берган эди. Уша ислохотлар давоми ўлароқ, спортчиларимиз бу сафар асл қахрамонлик нима, деган саволга жавоб берди. Жамиятда жамоавий ҳаракат қилиш орқали мамлакат қандай кудратга эга бўлишини исботлади.

Жамоавий ҳаракат қилиш ниҳоятда нолик, долзарб тушунча. У мамлакат келажакни белгилаб берадиган кучдир. Келинг, бунинг футболчиларимиз мисолида тушунтираймиз. Дейлик, Жасур Жалолдиннинг сафолари билан ҳамфир бўлса, ҳимояни яхши ушлай олади. Натижада рақиб ҳужумларининг ақсарияти дарвозагача етиб келмайди. Бу Абдувоҳид Невматов каби дарвозабонларга далда бўлади. Ўзига ишонч билан ҳаракат қилади. Натижа шунга яраша бўлиши аниқ. Шу боис, вазият жиддий тус олган тақдирда ҳам дарвоза кўриқчиси ўзини йўқотиб қўймайди. Ҳимоя мустаҳкам, дарвоза ишончли қўлларда бўлсагина, ҳужумчилар эркин ва ишонч билан ҳаракат қилади. Уринишлари самараси эса галаба сари етаклайди ва Аб-бос Файзуллаев каби ҳужумчилар гол уриб, ҳақли равишда: "Қайта борсам, бошда дўп-мин, фоз юрарман гердаиб", дейди. Зеро, у ортида ишончли кўргонин, бутун бир миллат, ватандошлар тимсоли бўлган жамоаси турганини яхши билади. Бунга эса жамоадан соғлом муҳит, Темур Кападзе каби мураббийлар меҳнати сабаб эришилади.

Энди футбол майдонини жамиятга кўчириб, галабани юрт равақига, ватан ҳимояси, деб тасаввур қилинг. Шунда қандай ислохотлар мамлакат тараққиётига тамал тош қўйилиши билиб оласиз. Қахрамонлар доим ҳам туғилишини, фақат улар камоли учун жамиятда имконият бўлиши муҳимлигини тушуниб етасиз. Ҳа, қахрамонлар майдонга табиий равишда чиқадиқандай кўринса-да, аслида, улар тарбия қилинади.

Қахрамонлар қандай туғилади?

Халқ оғзаки ижоди, дostonлар, эртақлар одамларнинг асплар давомидаги ҳаётий кузатишлари натижасидир. Шу боис, улардан ҳаётнинг ҳар қандай вазиятига тўғри тушадиган ҳолни топиш мумкин. Аждодларимиз закосин, дoston ва эртақлар орқали қахрамонларни тарбиялаш йўлларини ҳам айтиб кетган. Ҳаммамиз яхши биладиган Алпомиш

қахрамон бўлгунча, аниқроғи, етти ёшгача ўқиб-ўрганди. Устозлардан билим ва кўникмаларини ўзлаштирди. Шундан сўнг отаси уни улардан олиб, саройга олиб боради ва жисмоний машқларни ўргатади. Ақл ва биллак кучи бирлашган, Ҳакимбек деган оддий бола Алпомишдай қахрамонга айланади. "Алпомиш" дostonида таълимнинг тўғри йўлга қўйилгани боис, иккига ажралиб кетган элни Ҳакимбек бирлаштири олади. Албатта, у ёлғиз эмасди. Алпомишини ёри Барчнoйи ҳимоя учун чақирди. Синглиси Қалдирғоч эса лоқайдлик қилаётган акасига танбех берди, далда бўлди. Шу орқали у миллат ор-номусини кўриқлади. Натижада Алпомиш рақиб учун кучли ҳужумчи ай-ланди. Дostonда ака-уканинг аразлиши сабаб бўлган миллатни яхши таълим ва тарбия олган ёшлар жамоа бўлиб ҳаракат қилиш эвазига аслиятга қай-тарди.

Шуларни мулоҳаза қилганда, бугун таълим, ёшларнинг китоб ўқишига қаратилаётган эътибор ҳақида айтгим келади. Битта мисол, кейинги йилларда ил-мий иш қилаётган ёшлар сафи кескин ошди. Ўзим танийди-ган жуда кўп ёшлар, ука-син-гилларим илмий иш билан банд. Яна қанчадан қанчаси муваффақиятли ҳимоя қилди. Очиғи, яқин-яқингача ёшлар илм аҳли орасида илмий дара-жани эгаллашга иштиёқ бунчалик кучли эмасди. Негаки, кўзга кўрин-мас, аммо ҳаммани бездирган су-ньи тўқислар, таълимдаги "олди-берди" соҳа оёғига тушув эди. Биргина корруп-цияга қарши курашиш эвазига таълимда янги давр бошланди. Ўша вақтларда олий таълим олаётган танишларим айрим ўқит-увчиларни пул миқдори билан "фалон минг", деб аташини ҳам яхши эслаймиз. Чунки ва-зият шундай эди.

Ҳозир ўзим таълим олаётган даргоҳ мисолида соҳани кўрқмасдан коррупциядан холи, деб айта оламиз. Бунга соҳадаги туб ислохотлар орқали эришилди. Ўша уни-верситетларга ҳужжат топширишдан тор-тиб, давомат ва баҳолаш тизимига бўлган жиҳатлардаги ўзгаришлар таълимни янги босқичга олиб чиқди. Шу каби кичик, аммо муҳим аҳамиятга эга ўзгаришлар мамлакат-да бундай амалларга қандай бўлишини Қатарда бўлиб ўтган мусобақа мисолида кўрдик.

Ҳа, қахрамонлар ўз-ўзидан пайдо бўл-майди. Улар шахс тарбия қилинадиган жа-мийлардагина буй кўрсатади. Агар шундай бўлмаганида Алпомиш ёлғиз ўзи Қалмоқ-нинг тўқсон алпини доғда қолдириб, Бар-чнoйини юртга олиб қайта олмасди. Бугун таълимга берилётган эътибор, китобхонлик тарғиботи каби ишларимизда айбан шахс-ларни тарбиялашдай эзгу ният мужжасам.

2018 йил январь ойида футбол бўйича Ўзбекистон ёшлари Осиё чемпионати фи-налида Вьетнам тарма жамоасини мағлуб этиб, ўз тарихида илк бор Осиё чемпиони бўлган эди. Ушанда давлатимиз раҳбари адо-лат қарор топган жойда, коррупцияга ўрин бўлмаганини, юрт равақ топишини фут-бол мисолида айтиб, барча соҳада шундай иш-лаш кераклигини таъкидлаган эди.

Футбол, айниқса, ёшлар спорти ривож-и га ўша вақтда яна бир тамал тоши қўйилди. Мени 2018 йил 17 март куни Президенти-мизнинг "Футболни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"даги қарори бил-лан соҳада туб ислохотлар бошланди. Жум-ладан, манфаатдор идоралар ҳамкорлигида футбол бўйича давлат ихтисослаштирилган

мактаб-интернатлари фаолиятини танқидий ўрганиш белгиланди. Натижалар таҳлилига кўра, уларнинг негизда 14 та худудий бў-лалар ва ўсмирлар футбол академияси таш-кил этишга қарор қилинди. Айни пайтда Ўзбекистон футбол ассоциацияси ҳузурда Республика болалар ва ўсмирлар футбол академиясини ташкил қилиш ҳам назарда тутилди. Ушанда бошланган янгиланишлар натижасига қараб маъмур ҳужжат 2023 йил 13 июнь куни қайта тахрир этилди.

Ўтган қисқа вақт ичида ушбу ислохотлар самараси ўлароқ, биз бунинг жонли мисолини кўриб турибмиз. Ушанда кўйилган пайдевор сабаб Олимпия ўйинлари йўлнамасини қўлга киритдик. Бошқа соҳаларда ҳам худди шун-дай ўзгаришлар бўляпти. Оддий мисол, яқин йилларда ҳам прописка масаласи оғриқли нуқтамиз эди. Вилоятлардан пойтахтга келган меҳмонлар кўпин-ча прописка важи билан жарима-га тортилари. Пойтахтдан уй олиш, шу ерда ишлаб қолиш эса турган биттани бош оғриқ эди. Бу бир қарашда кўзга ташлан-майди, аммо одамлар ора-сида маҳаллийчилик деган жуда ёмон иллатга хизмат қиларди.

Бундай вазиятда одам-ларнинг ватанга хизмат қи-ладиган "МЕНИ" чекинади. Манманлик биринчи ўринга чиқади. Шахсий манфаат ҳам-ма нарсдан устун кўрилади. Чунки битта юрт фуқаролари бир жамоа бўлиб шаклланмади. Тўп кимга тегса, ўша одам рақиб дарво-засига қараб чапада. Оқибатда рақиб-нинг ҳимоячилари қаршига ёлғиз ўзи қолиб кетади. Шу боис, шахс тарбияси ниҳо-ятда муҳим. Зеро, шахсини манманлик, шах-сий фойда эмас, "МЕНИ"лик, миллий ғурур, Ватан, эл манфаати бошқаради.

Ҳозир прописка масаласини биров эсла-майди ҳам. У аллақачон биз учун тарихга ай-ланиб бўлди. Узоро гурунларда эсла-ганда, шундай замонларни ҳам кўрдик-а, дейишдан нари ўтмаймиз. Аслида, мана шу ислохотнинг самараси ўлароқ бизда ва-тандошлик ҳисси кучайди. Энди бу жамият учун голни тўп тепган одамнига урган хи-собланмайди. Унда дарвозабондан тортиб, ҳимоячилар, ҳужумчиларнинг ҳам ҳисса-си бирдек эканини билади. Миллий ғури-ри баланд одам шахсларга эмас, халқ учун фойдали бўлган амалларга қараб интилади. Бунинг амалга ошиши учун миллий контент мустаҳкам бўлиши керак. Бежиз Президен-тимиз миллий контентни кучайтириш гоёси-ни илгари сураётгани йўқ.



Миллий контент ва фуқаролар танловлар хилма-хиллиги

Миллий контент яратиш гоёси ўртага ташланган, бу борада кўп чиқишлар бўлди. Зиёлиларимиз миллий контент қандай бў-лиши кераклиги ҳақида турли фикрлар бил-дирди. Уларнинг ҳар бири ўрнили айтилган гаплар эканини таъкидлаш керак. Футболчиларимизнинг финал ўйинини кузата туриб, миллий контент аслида, мана шу эмасми, деган ўй келди хаёлимга. Тур-нир давомида футболчиларимиз гол ур-ган, уни ўзгача кайфиятда нишонлаши, боши-га дўппи кийиб, дунё ҳамжамияти олдида миллий ғуруримизни кўз-кўз этиши, Ватан, халқ билан фахрланишини кўрсатиб қўйи-ши энг оригинал миллий контент, назаримда. Чунки бошқа халқлар энди биз ҳақимизда гапирганида, узоқ ўтмишдаги улуг аждо-даримиз қаторида ўша дўппили йигитларни ҳам эслайди. Бу Ўзбекистоннинг ўзига хос бредини тан олиш дейилади.

Шу ўринда битта гапни очиқ айтмасам бўлмайди. Мен футболга қизиқмайман. Та-биятими шундай. Ҳатто дунёнинг энг кучли жамоалари, ўйинчилари номини билмайман, ҳақон чемпионати бўлаётганда мени уйқу босади. Айни пайтда менга ўхшаб футбол-га қизиқмайдиганлар кўп ва бу табиий, деб ўйлайман.

Биринчи марта 2018 йилда, Осиё чемпионати финалида ўйнаган ёшлар фут-болини чин муҳлис сифатида бошдан охи-ргача юрак ҳовуллаб томоша қилганман. Ўша қорли ўйинда спортчиларимиз сабаб ўзимда фахр туйғусини ҳис этганим ҳамон ёдимда. Чунки, у ердаги ўйин мен қабилар учун футбол спорт эмас, Ватан, халқ шаъ-ни эди. Миллий манфаат биз каби футболга қизиқмайдиганларни ҳам бир жойда жа-мал ўйлайди.

Миллий контент қайси шаклда бўлишдан қатъи назар, мана шундай кудратга эга бў-лиши керак. Қарашлар, танловлар, фикрлар хилма-хиллигига қарамай, у барчани битта манфаат — юрт тараққиёти атрофида би-рлаштириши лозим. Ахир халқимиз бежиз: "Олтовлон ола бўлса, оғзидагини олдирар, тўртювон тугал бўлса, тепадагини энди-рар", демаган. Бу ердати "тугал" сўзига эъти-бор қаратиш керак. Тугаллик тўлиқ, мукам-мал деган маъноларни беради. Шу орқали до-нишманд халқ аҳиллигини мукамаллик ни-шонаси сифатида кўрапти.

Давлат халқ хизматчиси

Мақола аввалдан бери бирдамлик ҳақи-да кўп гапирдик. Дарҳақиқат, ахиллик барча ютуқларнинг илк қадамидир. Бунинг тарих сабоқларидан яхши биламиз. Яқин тарихи-мизда босқинчилар Амударё соҳилига етиб келганида, Хоразмга қараб юрак ҳовуцлаган. Чунки узоқ йўл босган душман аскарларида етарлича озуқа йўқлиги боис, ҳолдан той-ган эди. Улар бир неча кишини ерлик халқ олдига юборди. Ажабки, улар душманга бе-малол озуқа сотади. Юрт кўргонини ишго-л қилишга бошлайдиган йўлни очиб беради. Нега Мангуберди каби қахрамон камол топ-ган эл бундай аҳволга тушиб қолди? Чунки оддий одамлар ўша вақтда юритилган сиё-сатдан норози, ижтимоий-иқтисодий аҳволи ёмон эди.

Сон ва сифат мутаносиблиги

Кейинги вақтларда Сайхунобод тажри-баси юртимизда оммалашиб улгурди. Ҳар бир хонадон соҳиби томорқасидан самар-али фойдаланиши ташаббус илгари су-рилган эди. Шу асосда маҳаллабай ишлаш, томорқа ва хонадонлардаги имкониятлардан фойдаланиш, аҳоли даромадларини ошириш чора-тадбирлари кўрилмоқда. Маҳалла-ларга ҳокимлик ва барча иқтисодий идора ҳодимлари бириктирилди. Улар вазиятни ўрганиб, имкониятларни таҳлил қилмоқда. Шунга кўра, томорқаси бор хонадонлар да-роматини 60-70 миллион сўмга олиб чиқиш бўйича ишлаяпти. Натижада томорқа ва деҳқончилик учун ажратилган ерларда сар-хил мева-сабзавотлар етиштирилиб, уларни экспорт қилиш, чорвачилик, паррандачилик, балкичилик, асаларчилик орқали оиланинг моддияти ўнганлади.

Бу биз учун қайси жиҳати билан муҳим, деган савол туғулди. Нуфусимиз 37 мил-лиондан ошди. Халқро майдонда бу жиҳат бебаҳо бойлик ҳисобланади. Қачонки, улар-нинг тафаккури кенг, илм ва ҳунарда ўз ўр-нига эга малакали кадрлар бўлса, бу ном ўзини оқлайди.

Сон ва сифат мутаносиблигига эришиш осон эмас. Бугун камбағилликни қисқарти-ришга қаратилган ҳаракатлар замирида ана шундай эзгу ният мужжасам. Гап шундаки, қорни тўқ одам илим олишга рағбат топади. Жайдари қилиб айтганда, илиги тўқ болалар ҳар соҳада илгор бўлади. Иқтисодий эркин-лик шу орқали тафаккурдаги мустақилликка, ҳур фикрлашга йўл очади. Мамлакатимизда миллий ўйғониш жараяни кеңмоқда. Ҳо-қирда саналган ва шу каби жуда кўп бўлиб жиҳат-лар, ислохотлар орқали Учинчи Ренессансга пойдевор қўйилмоқда.

Амир Темур бобомиз катта давлатчилик-ка асос солган, Самарқандни ўз даврининг цивилизация марказига айлантирган эди. Шу сабаб дунёнинг энг билимдонлари, уста хунарманд ва қурувчилари шу шаҳарга жам-ланди. Шу орқали Темур бобомиз маърифат маъғини ёқиб кетган эди. Унинг салтанати пойдевор бўлган, Ўрта Осиёда ўзига хос ўй-ғониш даври вужудга келди. Унинг илди-зиндан сув ичиб Мирзо Улугбек, Бобур, Алишер Навоийдек даҳолар улғайди. Бугунги ҳар-акатларимиз ҳам шунга қаратилган билан аҳамиятли. Ҳар бир ислохот ортида инсон-ларни рози қилиш, шу орқали юрт равақига эришиш ётибди.

Шундай ўйлар билан бўлиб ўйин охи-рлаганини сезмай қолибман. Майдонда тўп сураётган футболчиларимизга қараб, кеча бошланган ислохотларнинг самарасини кўр-гандай бўлдим. Бир-бирига тўп ошириб, дўст ва аҳил бўлиб курашаётган ёшлар тимсо-лида юрт учун хизмат қилаётган ватандош-ларимни кўрдим. Чунки уларнинг мақсади битта — Ватан равақи ва халқ манфаати учун хизмат қилиш. Биз футбол каби миллий контент атрофида бирлашсак, бу ахиллигини йўқотмасак, катта куч, бир бутун Ватанга айланишимизни ҳис этдим. Ҳа, ҳали ёши энди йигирмадан ошган укаларимиз бизга қандай ишлашни, адолат қарор топган жой-да ислохотлар самараси қандай бўлишини ўргатиб қўйди.

Шу ҳақда мулоҳаза қилган киши ва-танпарварлик шорлар, баландарвоз гап-лар билан шакланмаслигини англайди. Айни дамда давлат халқ фойдасини ўйлаб хизмат қилса, жамиятда ватансаварлик ўз-ўзидан шакллана боради. Чунки улар амалдаги сиёсатга ишонади ва эргашади.

Бир мушт бўлиб ҳаракат қилади. Манфаат-лар бирлашган жойда ижобий муноса-батлар биринчи ўринга чиқади. Юқорида айтганимиз каби голни мен уришим керак, деган қарашдан кўра, галаба иштиёқи бан-дал бўлади.

Жамиятни коррупциядан холи қилишга қаратилган амалий ишлар билан бир пайтда давлат хизматларининг соддалаштирилиши муҳим вазифалардан бири бўлди. Давлат — халқ хизматчиси, деган тамойил одамлар орасида эртанги кунга ишонч пайдо қилди. Бу ишончининг қадрини, қимматини жуда-жуда муҳим.

Бошланган ислохотлар изчиллиги давом этипти. Масалан, Давлат хизматлари мар-казлари фаолияти 2018 йил 1 январдан "бир дарча" тамойили асосида йўлга қўйилган эди. Ҳозиргача ушбу марказлар кўрсатаётган хизмат турлари 8,5 баробар ошди. Яъни улар 37 тадан 335 тага етди. Давлат дастурига кўра, 2024-2025 йилларда бундай хизматлар-нинг 100 таси электронлаштирилади. Аҳоли ва тадбиркорлардан 10 турдаги ҳужжат (маъ-лумот)ни талаб этиш бекор қилинади. Шу билан бирга, 20 турдаги хизматнинг мuddати ва талаб этиладиган ҳужжатлар сони қисқа-ради.

Бу рақамлар жамиятда ўзига хос таъсир кучига эга бўлгани учун келтириб ўтқилман. Негаки ҳар бирининг ортида муайян йўна-лишдаги энгиллик, давлат халқ хизмат-чиси эканининг ҳаётий тимсоли турибди.

Унинг натижаси эса халқнинг ишончи ва меҳри ҳисобланади.

Тасаввур қилинг, ҳеч ким бир-бирдан норози бўлмаса, муносабатлар қонун до-ирасида, адолатли ҳал этилса, бундай жа-миятда ватанпарварлик ҳақида бонг уриш шарт эмас. Негаки фуқаролар ўз-ўзидан умумийлик ғоя, ВАТАНПАРВАРЛИК атрофида бирлашган бўлади. Ушбу ғоя билан йўрилган жамиятни ҳеч бир куч энга олмайди. Бундай жамият куч билан бир-лаштирилган, ушлаб турилган халқлардан тубдан фарқ қилади. Давлат бошқарувчи эмас, ишларни тўғри ташкил этувчи қудрат эканини кўрсатади. Натижада халқ фаро-вон, юрт тинч бўлади.

Санъатимиз даргалари

Расулқори МАМАДАЛИЕВ — ЭЛ СУЙГАН ҲОФИЗ

Бувайда туманидаги Янгикўрғон қишлоғида бўлаётган тўйда эл суйган ҳофиз Расулқори Мамадалиевнинг дилга таскин берувчи, мунгли оҳанглари янграпти. Одамлар ҳофизнинг мумтоз кўшиқларини эшитишга иштиёқманд экани шундоқ сезилиб турибди. Кўпчилик оҳиста бош чайқаб, намланган кўзларини артиб кўяди.



Расулқори Мамадалиев яшаб ўтган Янгикўрғон қишлоғи кўҳна Қўқон шаҳрига яқин. Одамлари меҳнатсевар, танти, хунармандлари бисёр санъатсевар бўлгани учун ҳам ҳофизини севади, унинг ширали, аммо мунг тўла оҳанглари берилиб тинглайди. Ҳофиз элим деб жонини нисор қилишга тайёр эди. Ҳар кимни овозидан таниб, номини айтиб чақирарди.

Ёшу қари жон қулоғи билан тинглаётган бу наволар яратилганига ярим асрдан ошган бўлса-да, ҳануз жозибаси, сеҳрини йўқотгани йўқ. Унда дард, фидон, ҳижрон зоҳир. Ҳар ким ҳофизнинг дард тўла дил изхорини қалбан ҳис этади, унинг бу фаний дунёдан эрта кетганидан ўксинади...

Ҳофиз тўйга Камолитдин Ҳамроқулов деган янгикўрғонлик устоз ва доирақасби етовидида кириб келибди. Ҳол-аҳвол сўрашганларидан сўнж Ижроқум бува ҳофизга имо қилиб аския бешлабди:

“Халойиқ, мана, ҳозиргина Қўқондан менинг иккинчи рўзгорим (хотиним демокчи) келди, танишиб қўйинглр, исмлари Расулқори”, дебди. Қўқондан гурр этган қулги, қўйқирқилар янграбди. Ижроқум бува ҳам ўтирганлар билан баравар тиши йўқ озганини очиб, ҳо-ҳолаб қулар эмиш. Шунда Расулқори дарров бир қўлини кўтарибди: “Хў-ў биродарлар, шунга шунчами, мунча қуларислар. Ижроқум бува тўғри айтганлар, у киши мени хотинининг устига олган”, дебди. Ана ундан кейинги қулги, бақирик ва хандонларни кўринг. Меъзон аскияча оғохлантириб қўйганига қарамай, одамлар хуморидан чиқиб, йиқилгудай хандон отибди.

Ижроқум бува ноқулай ҳолатдан чиқиб кетиш йўлини топибди. “Хотин, хо хотин, тўн минан қўйиқ олиб чиқ, дўпписиям бўсин, қори менинг ҳақиқий устозим бўлади, тўн кийдириб рози қимсам бўмайди шекли”, деб тан берган экан. Бу воқеа ўзбек аскиячилигида энг юқори нуқтага чиққан сўз ўйини сифатида ҳануз давраларда тез-тез такрорланиб келинади.

Ҳозирги Миллий университетнинг журналистика факультетидида таҳсил олганимизда сатирдан дарс берган устозимиз Расул Мухаммадиев ўзбек классик аскиячилик санъатида ҳеч ким ҳофизнинг одига тушолмаганини бир неча бор таъкидлагани ҳақон едимда.

Расулқори Мамадалиевнинг бу даражада зукко, ғайритабиий иқтидорга эга бўлиши, эл сўзига санъатқор айлиниши ўзидан бўлмаган. У тинмай изланишни одат қилганидан, элга беминнат хизмат кўрсатганидан шу даражага эришган эди.

Ота юрти Бағдод туманидаги Дашт қишлоғи эканини кўпчилик билмайди. 1920-1925 йиллардаги оғир турмуш бу оилани Қирғизистоннинг Жалолобод вилоятидаги Сузоқ қишлоғига бориб қолишга мажбур этди. Расулқори 1927 йилда шу қишлоқда тавалуд топди. Ота-онасидан эрта айрилиб, болалик чоғлариданоқ

етимликнинг қаттиқ нонини ейишга мажбур бўлди. Кўзи ожиз бўлса-да, эшитган куй-кўшиқларини ёд олиб, хиргойи қилишни қанда этмади. Ширали овози, топқирлик, сўзамоллик қобилияти билан кўпнинг эътиборига тушди.

Оиладагилар билан Марғилонга келганида ёш санъаткорнинг келгуси ҳаёти учун муҳим аҳамиятга молик воқеа бўлади. Бир йилдан унга ҳам кўшиқ айтиш учун навбат берилади. Ашулани эшитиб ўтирган санъат мутасаддиларидан бири Расулқорини республика филармониясига ишга қабул қилади. Аммо бир томони кўзи ожизлик, иккинчи жаҳати етимлик ва уруш қийинчиликлари Тошкентдек шаҳри азиямда қолишига тўсқинлик қилди. Ота юртидаги қариношларини излаб топиб мақсадида Қўқонга, кейин Янгикўрғонга келди-да, чойхонага кирди. Чойхоналар ўша даврларда (ҳатто яқинчага) тарихот-ташвиҳот маркази ва мусофирхона (меҳмонхона) ваифасини ўтайдиган гажам маскан эди. Бу ерда ҳофизлар кўшиқ айтиб, аскиявозлик қилиб туришарди. Расулқори бу дарага тез “сингиб” кетди. Мумтоз кўшиқлари, теша тегмаган аскиялари билан кўпнинг меҳрини қозонди, ҳурмат, эътибор топди.

Эл орасида меҳрибон, одамшинавандлиги билан танилган Янгикўрғонлик Мамадали бува Раҳимбоев ўз ёнига етим болани олади. Асосан,

деҳқончилик билан шугулланган, санъатга иштиёқи банд бўлган Мамадали бува тўй-ҳашам, чойхоналардаги гурунларда катта ашула ижро этар эди. У бир неча фарзанд кўради, бирок кўли ёш вақтида вафот этиб кетади. Умр йўлдоши Хадича опага Расулқорини фарзанд қилиб олиш тўғрисидаги фикрини айтганда, у жуда хурсандлик билан қабул қилади. Кейинчалик Мамадали ака Кимёхон исмли қизини Расулқорига унаштиради. Мамадали аканинг ўғли йўқлиги учун кесалар тез кўвга қанотасининг исмини фамилия қилиб олишни таклиф қилганда рози бўлади. У маҳалла-қўй гувоҳлигида ўзини фарзандликка олган Мамадали отасидан умрбод рози бўлиб яшайди.

1946 йилда шу ерлик ўқитувчи, кўшиқлар қўйлаб турувчи Камолитдин Ҳамроқуловнинг урушдан қишлоққа қайтиши Расулқори Мамадалиевнинг ҳаётига катта ўзгариш киритади. Маҳалладаги Имомназар, Боқивой деган кесалар Камолитдин ақани Расулқори билан бирга қўшиқ айтиришади. Овозларининг жўр бўлиб, бир-бирига мос тушганини кўрган оталар уларга оқ фотиҳа беради. Икки ҳофиз шу кундан эътиборан ижодий ҳамкорликда бўлади. Ижод йўлидаги изланишлари тез фурсатда самарасини беради. Улар элга танила бошлайди. Расулқори зехни ўткир, хотираси кучли эди. Ҳар қандай байти, газални, шеърни бир марта

ўқиганда ёд олиш қобилияти бор эди. Мақтабда адабиёт фанидан дарс берган фронтчи Камолитдин Ҳамроқулов ўқиб берган ҳар қандай шеърини матнини бир мартада беҳато ёдлаб оларди.

Расулқорининг кўзи ожиз бўлса ҳам ўша даврдаги шоир, кўшиқчи, аскиячиларга ижодий ҳамкорлик қилиб, сара куй-кўшиқлар яратди. Атоқли шоир Гафур Ғулом, Собир Абдулла, Чархий, Чустий, санъаткорлар Жўраҳон Султонов, Маъмуржон Узоқов, Юнус Ражабий, Маъруфжўжа Баҳодиров, Орифхон Ҳотамов, Комилжон Отаниёзов, Ҳожиқон Болтаев, аскиячилар Ижроқум бува, Деҳқон Юзбоши, Ғойиб бува, Абдулхай мақсум, Обил бува, Уста Қурбон унинг яқин дўстлари, ҳаммаслаклари эди. Улар бир-бирларига “уста” деб мурожаат қилишарди ва бир-бирларини гоё хурматлашарди.

Расулқори Мамадалиев ўлмас асарлари билан ўзбек мумтоз кўшиқчилигида ёрқин из қолдирди. Унинг ашула ва овозларига ҳамоҳанг ижод қилиб элга танилган қашқадарёлик хонанда Ўктам Аҳмедов Ўзбекистон халқ ҳофизига фахрий унвонига сазовор бўлди. Бугунги кунда ҳам юксак истеъдод соҳиб ижро этган меъзо кўшиқлар фарзандлари қўлида сақланиб келмоқда.

У кишини халқ улғу ҳофиз сифатида қадрларди. Давраларда “Ўзбекистон халқ ҳофизии Расулқори Мамадалиев” деган иборани қўшиб айтишарди. Аммо унга бундай унвон бериш тўғрисидаги фармон чиқмаган.

Уша йилларда Янгикўрғонда бўлаётган йилгиликда қатнашиш учун вилоятга келаётган республиканинг биринчи раҳбари Нуриддин Мухиддинов бир сабаб билан кечикади. У етиб келганда даврада Расулқори Мамадалиев ва Камолитдин Ҳамроқулов кўшиқ қўйларди. Божқа кириб келётган биринчи раҳбар ҳофизлар ижодига ҳавас қилиб, яна кўшиқлар ижро этишини илтимос қилади. Ҳар эса олди қаторда ўтириб, берилиб тинглайди. Ашула тугагач, ҳофизларга чин кўнгилдан раҳмат айтади. Фарғонадан

қайтгач, Юнус Ражабийни ёнига қаққиртириб, “Фарғонада тупроқ ичида иккига олтин бор экан, теъда олиб келиб тасмага ёзинглр”, деб топшириқ беради. Шу тариқа ҳофизнинг қўйлаб сара кўшиқлари тасмаларга муҳрланиб қолади. Аммо йиллар ўтгач, унинг кўшиқларини “Репертуарингизда замонавий ансамблларда фойдаланилган кўшиқлар кам экан”, деган баҳонада ёзимайди. Бундан ҳофизнинг дили оғриб, изтироб чеккани бор ҳақиқат.

Ота хондонидида яшаётган учинчи ўғил Содикжон Мамадалиев Тошкент маданий-оқартув техникумининг халқ қолғу асбоблари бўлимини битирган. Фарғона музика ва санъат мактабидида ёшларга билим ва хунар ўргатиб келади.

— Дадам бизга касб-хунарли бўлишни маслаҳат берган, — дея хотирлайди Содикжон. — “Кўзим ожиз бўлгани учун хунар билан шугуллана олмадим, фақат ашула айтиб, одамларга хизмат қилдим. Сизлар уй-рўзгорингизни хунар билан тебратинг, бирволарга юк бўлманг, савобли иш билан шугулланинг, кам бўлмайсиз”, дер эди. Шу боис, дастлаб сарторошга шоғирд тушиб, шу соҳада ишладим. Кейин музика асбоблари ясашни ўргандим. Мана, чорак асрдикки, ўғилларим ва шоғирларим билан бирга бу йўналишда фаолият кўрсатиб келамиз.

Расулқори Мамадалиев ўн болани воёга етказиб, ўқитди, уйли-жойли қилди, элга қўйди. Ҳофиз ижодининг энг гуллаган чоғида — 1976 йил 10 декабрь кунин 48 ёшида вафот этди. Ғарчи қорамизда бўлмасда-да унинг жангдор овози, орақиди аскиялари хануз давраларда жанрлаб турибди. Таниқли шоирлар унинг ижодини қадрлаб марсиялар ёшди, қўшиқлар қўйлади.

Тарих фанлари доктори Икромиддин Остоначулов “Сўз чамани ичра наво кўргизиб” рисоласини ёзди. Бу рисолада эл севган ҳофизнинг заҳматли болалик йиллари, серқирра ижод йўли қаламга олинган. Рисолада айтилгандек, улуглар номи ҳамisha абадийлаштиришга лойиқ. Марҳум Расулқори Мамадалиевнинг қилган ишлари муносиб тақдирланиб, Янгикўрғон қишлоғида уй-музейи ташкил қилинса, айни мудоао бўлар эди.

Ҳамид БУРҲОН, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, ёзувчи

Миллий хунармандчилик

Азамат эрта тонгдан устахонага йўл олди. Сайёҳлик фирмаси томонидан берилган бюртмани ўз вақтида етказиб бериши керак. Йигит киши сўз бердимми — устидан чиқади. “Йигитлар бир кун ҳам дам олмади. Бюртма тез-тез келиб турган шундай пайтда дам олиб бўладими? Қайтанга тезроқ ишлаб қолиш керак...”, деб ўзига тасалли берди.

40 кунда тайёр бўладиган қора уй қишда иссиқ, ёзда салқин



билан тиним билмай меҳнат қилмоқда. Бир неча босқичдан ўтадиган қора уй ясагининг қийинчиликлари кўп. Аммо тайёр бўлган уйини кўрган пайтда чарқоқлар унутилиб кетади. Чимбой тумани қорақалпоқ халқининг бой маданий мероси, урф-одат ва анъаналарини, миллий хунармандчилик мактабларини асраб келаётган тарихий ҳудуд. Қора уйнинг айнан Чимбойда тайёрланиши ҳам бежиз эмас.

Қора уй қорақалпоқларнинг бирдан бир зарур мулки бўлгани боис, анча харидортир. Ушбу хунар отадан болага мерос сифатида ўтиб, баъзида тўрт-беш хонадон, баъзан тўлиқ бир қишлоқ аҳли шу касб билан шугулланган.

қўрик-танловнинг Қорақалпоғистон Республикаси ва мамлакат босқичларида бир неча бор совриндор бўлган. Юртимизда, хорижий давлатларда ўтказилаётган нуфузли кўргазма фестивалларда ўз маҳоратини намойиш этиб келмоқда.

Уста Оролбўйини ҳудудидида хунармандчилик устахонаси, уй-меҳмонхона ва музей ташкил этган. Худуднинг туристик салоҳиятини ошириш мақсадида ташкил этилган устахонада сайёҳлар қора уйнинг ясаши жараёни билан яқиндан танишади. Музейдан эса қорақалпоқ халқининг тарихи, маданияти ва санъати, хунармандчилик намуналарига оид 200 дан ортиқ экспонат ўрин олган.

— Устахонамиз ёнида музей ташкил қилганмиз. Қорақалпоқ халқининг миллийлигини ифодаловчи уй-рўзгор буюмларини йилдик. Ушбу музейни сайёҳлар мириқиб томоша қиладди. Бу ерда илгари боболаримиз фойдаланган — қора уй учун ишлатилган материаллар, уй-рўзгор буюмлари, эгар-жабдук, сувқовоқ... барчасини учратушининг мумкин, — дейди Азамат Турекеев.

Бу меҳмонхона қорақалпоқ халқининг бой тарихини ўзда таъжассам қилган. Шунинг учун ҳам сайёҳлар қадами узилмайди.

Тумандаги “Кўкчиқалъа” МФЙ ҳудудида эски хунармандлар маркази жойлашган. Маҳаллий аҳоли “Кўкчи” атамасининг икки

хил маъноси борлигини айтади. Биринчиси, эрта баҳорда ер юзидини ашиллашқа бурканиши маъносини билдирса, иккинчиси, қора уйнинг керагасини бир-бирига туя ёки мол териси ёрдамда бириктиришни англатади.

Қора уйчилар устахонаси XIX аср бошларида пайдо бўлган, қорақалпоқлар орасидан етишиб чиққан уста хунармандлар йилгилик, қора уйчилар марказини пайдо қилган ва “Кўкчиқалъа” деб ном берилган.

Шунча вақт ўтганига қарамай, бу жойда қора уй усталари ўз фаолиятини давом эттириб келмоқда. Ўша пайтлар хунармандлар марказида 100-150 дан ортиқ хунарманд ишлаган. Ўз даврида Нуриддин, Жанабай, Зайитбай, Торейбай, Балтабай, Отебай, Сақийбай, Жақсийлик каби машҳур усталар шу жойда қора уй ясашни ўрганган. Бугунги кунда бу ерда ишлаётган хунармандлар учинчи авлод бўлса, баъзилари тўртинчи авлод вақиларидир. Улардан Юсуббай Досжанов, Асенбай Айтжанов, Нуран Санкибаев ва бошқалар қора уй ясаш сирларини шоғирдларига ўргатиб келмоқда.

— Қора уй ясашда жанаўтдан (тўқай топ) увиқ, керага учун қулай ёғочлар кесиб олиниб, арчилади, қуртиллади ва сўнг сувга солиб ивтиллади. Ёғоч ивигандан кейин теъда солиб эгиб, керага асайими. Шанироқини (доира шаклидаги тепа қисми) оқ толдан, эрганақини, бўсагани эмандан, агар эман топилмаса, ўрик дарахтидан асайими, — дейди уйчиларнинг тўртинчи авлоди вақили Даурнабек Утебаев. — Шанироқ — оила дегани. Шунинг учун ҳам қора уйнинг тепа доира қисмини шанироқ деб аташган бўлса керак.

Илгари қорақалпоқларда китиз билан бос-тирилган қора уй ариқ бўйига, дарахтлар

қўп жойларга қурилган. Бундай жойда чий кўтарилган, ичкарига шамол кириши таъминланган. Бошига қўйилганлар увиқлар тўғри, пасти томони эгри бўлади. Демак, конус кўринишига эга. Қора уйнинг тепаси ва керагалари энди богичлар билан мустаҳкамланади. Тепаси найза шаклидаги ёғочга бириктирилган икки доирадан иборат бўлади. Кераганинг сирти қамишдан ясалган чий ва китиз билан ўраб чиқилади. Бу кун тизига уй ичидида салқинликни, совуқда иссиқликни ушлаб туради.

— Қора уйлар 6 дан 30 тагача қанот бўлиб катталарида кетаверади. Масалан, 6 қанотлиларнинг айланаси 5 метр 30 сантиметр, унга 15 киши бемалол сиғири. 8 қанот қора уйларнинг айланаси эса 6 метр 30 сантиметрнинг ташкил этади, — дейди Азамат Турекеев. — Қора уй меҳмонхонамиз нафақат чет эллик сайёҳларни, балки маҳаллий аҳолини ҳам қизиқтирмақди.

Азамат Турекеевини бугун халқаро миқёсда ҳам яқши билишади. Чунки у ясаган қора уйлар Қирғизистон, Қозғоғистонда ҳам машҳур. Бирлашган Араб Амирикларининг Абу-Даби шаҳрида ўтказилган Шайх Зайд маданий-тарихий мероси фестивалида 34 давлатдан хунармандлар халқ амалий санъати намуналарини билан қатнашди.

Азамат Турекеев ясаган қора уйларни нафақат сайёҳлик фирмалари ёки кафе-ресторанлар, балки хонадонига ўрнатишни истаган харидорлар ҳам кўп экан. Ушбу қора уйларнинг нархи билан қизиқиб кўрибди. Устанинг айтишича, 6 қанотли қора уйлар 17 миллион, 8 қанотлилари эса 21 миллион сум.

Хунармандчилик авлоддан авлодга мерос бўлиб келётган бебаҳо бойлик. У фақат қиймати билан эмас, миллийлиги учун ҳам қадрланади. Уни асраб-авайлаш, кейинги авлодларга етказиш эса шарафли иш.

Минажаддин ҚУТЛИМУРАТОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-KODNI SKANER ҚИЛИНГ.

